

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

Бухоро Давлат Университети

Шодмон Ҳайитов

**МУХОЖИРЛИК НА ШОДЛИК,
НА ҒАМ...**

Бухоро - 2008

Ушбу китоб БухДУ, Жаҳон тарихи ва тарихшунослик кафедраси умумий йигилишининг 2007 йил 21 декабрь 3-сон баённомаси ва Гуманитар фанлар факультети илмий кенгашининг 2008 йил 9 январь 3-сон баённомаси қарорлари билан чоп этишга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Иноятов С.И.- тарих фанлари
доктори, профессор.

Тақризчилар:

Жумаев А.Ш. – тарих
фанлари номзоди, доцент
Мастонов К.Х. – фалсафа
фанлари номзоди, доцент

Китобда мустақил тарихий лавҳалар орқали ўтмиш ҳақида фикр юритилади. Муаллиф мустабид совет тузуми йилларида ота – боболари юртидан ажралиб бир умр муҳожирликда яшаган миллатдошларимизнинг Ватан соғинчи, дард – аламлари, чеккан мислсиз азият ва машаққатлари ҳақида тарихий далилларга бой маълумотлар орқали мушоҳада юритади. Хориждаги ўзбекларнинг ўзлигини сақлаб қолиш йўлидаги ибратли ҳатти – ҳаракатлари, уларнинг интилишлари, истак ва мақсадлари билан боғлиқ лавҳалар китобхонда қизиқиши уйғотиши табиий. Рисоладаги узоқ ўтмиш ҳамда айрим машҳур шахслар ҳаёти ва фаолиятига тегишли бўлган маълумотлар эса Ватанимиз тарихининг туганмас сарчашма эканлигидан далолатдир. Мазкур нашр кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

КИРИШ

Сиз, азиз китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинаётган ушбу мажмуани “Мухожирлик на шодлик, на ғам...” деб номладик. Аслида ушбу жумла ўз умрининг тўртдан уч қисмини она – Ватанидан йироқда, муҳожиратда ўтказган бир ўзбек зиёли фарзандининг маънавий бисотига тегишлидир. Ватан ишқи ва муҳаббатини ҳаёти ва умрининг мазмуни деб билган, дунёнинг турли мамлакатларидан туриб ота – боболари юртига интилиб яшаган инсонлар ҳақида китобот қилиш хайрли дейишади. Юртимиз тарихига назар солсак, кимки Туркистон ёки Ўзбекистон заминидан узоқлашган бўлса ёт элларда ўтган умрини она юртида яшаган дамларининг ҳар бир куни ва фараҳбахш лаҳзаларига сира алмаша ололмаганлигига гувоҳ бўлаверамиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобур - буюк салтанат эгаси, иззат – икром, юксак ҳурмат – эҳтиром, фаровонликда яшаган бўлсада Ватан ёдини бир дақиқа ҳам хотиридан чиқара олмади. Олис Ҳиндистондан туриб унинг ижоддан тўхтамаган қалами Ватан, ота – боболар юртини таъриф ва тавсиф қилувчи, мислсиз соғинч билан йўғрилган, киши вужудини ларзага, икки кўзини эса ёшга тўлдирувчи ўлмас мисраларни худди маржон каби ипга тизганди.

Зокирjon Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг Ҳиндистон ва Хитой (Ёркент)дан туриб юртига йўллаган дил мактублари Ватан қадри ва меҳри қайнар булоқ, ижод қилишга ундовчи, шоир бўлмаганларни ҳам қўлига қалам тутқазувчи, қўшиқчи бўлмаганларни эса куйлатгувчи қудратидан намуна бўлганди.

Фурқатнинг “Фифонким гардиши даврон, айирди ўз диёrimдан...” деб бошланувчи машҳур шеъри бугунги кунгача

авлоддан – авлодга ғазал бўлиб ўтиб Ватансизларнинг дил ноласи, фифони ва айтиш мумкинки юрак ҳайқириғи бўлиб келаяпти.

Агар ушбу ғазални Ватанидан ўзга юртларга умуман саёҳат қилмаган, муҳожирлик деб аталувчи ҳаётнинг “шарбати”дан бир “чимдим” бўлсада татиб кўрмаган, танасида заррача инсонийлик туйғуси бўлган ҳар бир оддий киши эшитса ҳам ғариблик нақадар оғирлигини ногаҳон ҳис қилиши табиийдир. Россия саёҳатларида уч бор бўлган Аҳмад Дониш (1827-1897 йй) Санкт – Петербургда туриб ўз Ватани тақдирини бежиз ўйламаганди. БХСР ҳукумати раҳбарларидан Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965 йй) 1920- йилларда “қуёш қордан чиқиб қорга ботадиган” Россиянинг бепоён далалари ва мўъжизакор ўрмонлари, осмонўпар биноларидан қанча завқланмасин, она юрти Бухорони ўша саёҳатга чиқсан биринчи куниданоқ соғинганлигини “Йўл хотиралари” ёдномасида яшимрай, сир тутмай очиқдан очиқ ёзмасди. Абдурауф Фитрат (1886-1938 йй) боши узра қора булутлар кезиб юрган ўша машъум 1930 - йилларда Эрон пойтахтидаги Техрон дорилфунунiga ишлаш учун таклиф қилинганида бежиз “Ватанимдан кетмайман!” деб қатъий жавоб қайтармаганди.

Хуллас, Ватан унинг меҳрини ҳис қилиш, она замин тупроғини тўтиё билиб, унинг хоки-пойини кўзимизга суртиб яшаш бизга ота – боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бироқ, совет мустабид тузуми йилларида миллионлаб кишилар севимли Ватанларидан ажралди, бир умрга муҳожирликка маҳкум этилди. 20 дан ортиқ элат ва миллатларнинг пешонасига “Ватан хоини” тамғаси босилиб ўз юридан бошқа ҳудудларга мажбуран кўчирилди. “Ватан!” деб

аталувчи муқаддас тушунчани поймол қилган мустабид тузум учун инсон қадри ва улуғ туйғулар шунчаки бир эрмак эди десак хато бўлмайди. Ушбу китобда ўз Ватани -Ўзбекистонни, ўзбеклигини хорижий дунёнинг чекка – чеккаларига олиб борган, ўзлигини асраб яшаган миллатдошларимиз ҳаёти ҳақида мустақил лавҳалар орқали фикр юритилади. Айрим лавҳаларда хориждаги ўзбекларнинг Ватан деб чеккан дард – аламлари ва изтироблари, яъни ўз ютидан ажралишнинг нақадар аччиқ қисмат эканлигидан хабардор бўласиз.

Муаллиф ушбу китоб нашр юзини кўришида ўз илмий маслаҳатини дариф тутмаган муаррих олимлардан профессор С.И.Иноятовга, тарих фанлари доктори Қ.К.Ражабовга, тарих фанлари номзодлари, доцентлар: А.Ш.Жумаев, У.Ж.Рашидов, Ҳ.Ҳ.Тўраев, Ш.О.Болтаев, С.Бадриддинов, С.С.Раупов ва Т.Э.Раҳмоновларга ҳамда файласуф олим, доцент К.Х.Мастоновга чуқур миннатдорчилик билдиради.

Албатта, турли даврларда ёзилган, мустақил лавҳалардан иборат, ушбу китоб бир қатор нуқсонлардан холи эмас. Муаллиф Сиз мўътабар китобхонларнинг беғаразлик билан билдирган таклиф ва мулоҳазаларингизни, эътиrozларингизни қабул қилишга ҳамма вақт тайёрdir. Зероки, ҳар бир холисона билдирилган эътиroz ва танқидий фикр бу борада истиқболда олиб бориладиган илмий изланишлар баракали бўлишига ёрдам беришидан умидвормиз.

I. Хориждаги ўзбекларнинг миллий матбуоти ва миллий уюшмалари тарихидан (1920-1990йй)

Совет мустабид тузуми ҳукмронлик қилган йилларда (1917-1991 йй) мислсиз зўравонлик ва буюк миллатчилик сиёсати туфайли мингминглаб ўзбеклар муҳожирликка маҳкум этилдилар.

Ватанидан жудо бўлганлар “ўзбек диаспора”сини ташкил этиб, улар орасида бой – бадавлат кишилар ҳам, жадидчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари ва раҳбарлари ҳам, оддий дехқон, чорвадор, мардикор, чоракор ва ҳунармандлар ҳам, совет ҳукумати сиёсатидан норози бўлган маҳаллий ҳукумат раҳбарлари ҳам, большевикча бошқарувга қарши қуролли ҳаракатларда қатнашганлар ҳам бор эди. Муҳожир ўзбеклар сафига 1920 – йилларда истиқболни ўйлаб Германия ва Туркия сингари хорижий мамлакатларда таҳсил олиш учун юборилган собиқ Туркистон талабаларининг бир қисми, ҳамда иккинчи жаҳон уруши (1939-1945 йй) нинг собиқ асиrlари бориб қўшилдилар.

Чет эллардаги ўзбек зиёлилари турли мамлакатларда XX асрнинг 20 – йилларидан бошлаб Туркистон халқларининг миллий, иқтисодий, ижтимоий – сиёсий, маданий – маърифий ҳаёти ва тарихини ёритишга қаратилган ўнлаб матбуот органларига асос солдилар.

Ўзбекистон тарихшунослигида “хориждаги ўзбек миллий матбуоти” масаласи ҳанузгача жиддий тадқиқ қилинмаган ёки ўрганилган эмас. Ҳолбуки, миллий матбуот ўзбек миллий давлатчилиги асосларидан бири ҳисобланади. Хорижда чоп этилган

ўзбек матбуоти органларининг бош мақсади ва ғояси: “Туркистон озодлиги ҳамда мустақиллиги масаласи” бўлганлиги эса мазкур муаммога алоҳида эътибор қаратишни тақозо қиласди. Чет эллардаги ўзбек матбуотчилик тарихига хронология изчиллиги нуқтаи-назаридан ёндошсак, дастлабки матбуот органларига 1920 – йиллардаёқ асос солинган эди. Адабиётшунос олим Ш.Турдиевнинг маълумотича 1922-1923- йилларда Туркистон АССР, БХСР, ХХСР ҳукуматлари томонидан Германия ўқув юртларига таҳсил олиш учун юборилган туркистонлик талабалар ушбу давлат пойтахти Берлин шаҳрида 1923 йилдаёқ “Кўмак” номли мажмууга асос солишган. “Кўмак” журналида Туркистон минтақасидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, фан – техника муаммолари, маърифат, адабиёт ва санъат масалаларига бағишлиланган мақолалар, лавҳалар, шеър ва мактублар босилган¹. Журнал саҳифаларида Германияда таҳсил олаётган ўзбек фарзандларидан Аҳмаджон Иброҳимнинг “Техника ва биз” мақоласи, Сайдалихўжаевнинг “Оврўпо”, “Юрак”, Аҳмад Шукрийнинг “Ҳаёт”, “Сурма”, “Туш”, “Парча”, Саттор Жабборнинг “Тилак” шеърлари чоп этилган² “Кўмак” журналида Туркистон минтақасини тараққий қилган мамлакатлар даражасига олиб чиқишининг энг муҳим тамойилларидан бири – бу замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассисларга эга бўлиш эканлиги тарғиб қилинган.

Совет ҳокимиятига мухолифатда бўлган, охир оқибатда муҳожирликка кетиб бир умр хорижда яшаб қолган зиёлилар ва сиёсий муҳожирлар турли мамлакатларда матбуот органларига асос

¹ Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар... Тошкент, “Фан” 1992; Б. 14

² Ўша жойда; Б.16-17

солиш, улар орқали миллий ғоя ва миллий бирлик учун кураш олиб бориши йўлидан бордилар.

Моддий қийинчиликлар ва бошқа сабаблар туфайли чет элда матбуот органларини ташкил этиш, улар фаолиятини йўлга қўйиш осон кечмади. Шу сабабли “Туркистон мухторияти” ҳукуматининг собиқ раҳбари, Франция пойтахти Париж шаҳрида мұхожирликда истиқомат қилган Мустафо Чўқай (1890-1941й) рус мұхожирларининг “Дни” (“Кунлар”), кавказлик мұхожирларнинг (озарбайжон, арман, грузин) “Прометей” каби матбуот органларида ўз мақолалари билан иштирок қилиб турган ва уларга ёзган мақолалари эвазига олган гонорар (қалам ҳақи) ҳисобидан кун кўрганди³. Фақатгина 1927 - йилнинг июнида хорижда тузилган Туркистон Миллий Бирлиги (ТМБ) ташкилоти аъзоларининг ташаббуси билан Туркияning Истанбул шаҳрида “Йени Туркистон” (“Янги Туркистон”) ойлик сиёсий, адабий ва илмий мажмуа чоп этилган. Ушбу журнал 1927 – 1932 - йилларда нашр этилиб, уни Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878 – 1968 йй), Носир Афанди, Мажидиддин Делиллар чиқаришган эди⁴. “Янги Туркистон”нинг 24 та сони Туркия туркчасида, араб алифбосида чоп этилди, лотин имлосида ҳам журналнинг 39 та сони босиб чиқарилган.

1929 - йилнинг декабр ойида Мустафо Чўқай Парижда (Франция) “Ёш Туркистон” мажмуасининг 1–сонини чоп қилдирди. Ушбу журнал 1–сонининг муқоваси ички қисмида: “Ёш Туркистон” - “Туркистон миллий истиқлол фикрига хизмат этувчи ойлик

³ Prof.Dr. Ahat Andichan. Turkiston mujadelesi. Birinchi Baski, Istambul. 2003. S. 250-252.

⁴ Тохир Каҳхор Ҳур Туркистон учун Т.Чўлпон: 1994; Б. 52

мажмуасидир”⁵ - деб ёзилган. Журналнинг илк сонидаги “Бизнинг йўл” бош мақоласидан: “Йўлимиз ва мақсадимиз, биз Туркистон истиқлолчилари элимининг эрки ва юртимиз Туркистоннинг қутилиши учун курашамиз жумласида хulosа этила биладур. Туркистонликларга мундан бошқа йўл йўқ... “Ёш Туркистон” ҳажми ва эътибори билан кичик бўлса ҳам озод ва мустақил Туркистон байроғини кўтариш каби вазифани устига олиш ва у йўлда хизмат этиш билан буюkdir”⁶ – каби фикрларни ўқиймиз. Журнал 40 саҳифа ҳажмида бўлиб, уч бўлимда: “Сиёсий”, “Адабий”, “Туркистон хабарлари” кабилар остида чоп этилган.

“Ёш Туркистон”да 1917-1930 йилларда совет давлати олиб борган буюк давлатчилик сиёсати ва унинг салбий оқибатлари, “босмачилик” ҳаракати ва унинг моҳияти, қурбошилар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тафсилотлар, “пахта якка ҳокимлиги” сиёсати, Ўрта Осиёда “ер-сув ислоҳоти”, “қулоқлаштириш”, “коллективлаштириш” билан боғлиқ жараёнлар, хориждаги ўзбеклар ҳаёти, коммунистик партиянинг диктаторликдан иборат ҳукумронлиги каби масалаларни қамраб олган долзарб мақолалар босилган. “Ёш Туркистон”нинг 1930 – йил октябрда чоп этилган 13-сонида совет чекисти, ОГПУ ходими Оғабеков (асли фамилияси Артунян) хотирлари чоп этилган. Ушбу хотираларда совет давлатининг иккиюзламачилик сиёсати очиб ташланади⁷.

“Ёш Туркистон” сонларида Мустафо Чўқай “Туркистонда пахта атрофида кураш”, “Большевиклар тарихни қандай ёзадурлар”,

⁵ “Ёш Туркистон” 1929 йил, декабр, №1; 1-б (араб ва лотин имлосида, ўзбек тилида)

⁶ Ўша жойда; Б. 2

⁷ Бурунги чекист Оғабеков хотираларидан Туркистонда сотувчи сифатида босмачилар ичинда. “Ёш Туркистон” 1930; №13; 31-32 б.

“Туркистон ҳаракати”, “Қозоғистон ўн йиллигига”, “Туркистон фирмә қурултойи атрофида”, “Жаллодлар провакацияси”, “Мафкура майдонида кураш”, “Мухториятдан истиқлолга”⁸ – каби бир қатор мақолалар чоп эттириди. Ушбу мақолаларда XX аср 20 – 30 – йилларида Туркистон тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотлар мавжуд. “Ёш Туркистон” журналининг 1929-1930- йилларда дунё юзини кўрган сонларидан А.Чўлпоннинг “Япроқлар” Мағжоннинг “Туркистон”, “Олисдаги Бавария”, Элбекнинг “Қуролға”, “Ёш Туркистонға”, Олой Нўённинг “Шарқда нафрат ва қон”, А.Фитратнинг “Миррих юлдузига”, Туйғуннинг “Тирналган яралар” Элтарнинг “Туркистон қўрбошилари” ва “Анвар пошога марсия”⁹ – каби шеърларини ўқиши мумкин.

Совет даврида қотоғонга дучор бўлган, миллий истиқлол учун курашган туркистонликларни даъват этган адиларнинг шеърлари муҳожир ўзбекларга маънавий мадад бериши табиий ҳол эди.

Хуллас, 1929 йилнинг декабр ойидан 1939 йил август ойига қадар “Ёш Туркистон” журналининг 117 та сони чоп этилган. Мазкур журнални чоп этиш, мақолалар ёзиш ва танлашда, моддий жиҳатдан таъминлашда Мустафо Чўқай ўғлига Олой Нўён Темур ўғли, Элтар, Эртели, Унгур, Болта Тошкентли кабилар ҳамкор ва ҳамнафас бўлишган¹⁰.

Хориждаги ўзбек миллий матбуотчилик тарихида ўзини Мустафо Чўқай чоп этган “Ёш Туркистон” мажмуасининг давомчиси деб ҳисоблаган, 1942 йилдан бошлаб Германия пойтахти Берлинда

⁸ “Ёш Туркистон” 1929 №1, №3-4, №5-6, №9-10, №12-13, 1932; №3-4

⁹ “Ёш Туркистон” 1929 №1, 20-б, №2; Б. 23; №3-4, Б. 41-42; 1930, №5-6; Б. 25-26, №11 24-б №13; Б. 32

¹⁰ Prof.Dr. Ahat Andichan. Turkiston mujadelesi... S.308

Вали Қаюмхон (1902-1993 йил) томонидан чоп этила бошланган “Миллий Туркистон”нинг 62 та сони 1942-1945 йилларда чоп этилди. 1948-1975 йилларда эса журнал Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида чоп этилган ва умуман “Миллий Туркистон”нинг 134 та сони нашрдан чиққан. Журнални моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида уруш йилларида “Туркистон легиони” аскар ва зобитларидан 2 RM дан (немис пули) 15 RM гача ойлик иона тўпланган. Унда Туркистон тарихи, иқтисодиёти, сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти билан боғлиқ масалаларни ёритувчи мақола ва асарлар босилган. Журнални чоп этишда Вали Қаюмхон билан бирга Эргаш Шермат (Булоқбоши); Боймирза Ҳайит, Маҳмуд Мақсудбек, Маҳкам Умари, Нуриддин қори, Абдулла Тўлаган, Ҳусан Икром, Қосим Иноят, Нақибхўжа, Рўзи Назар, кейинчалик Мирзо Пўлат Ҳакимий, Абдулла Чигатой, Аҳмад Жасмин, Аҳмад Хўжа, Рашид Тошкентли кабилар фаол иштирок этганлар¹¹.

1943-1945 йилларда Германия пойтахти Берлинда Қўбизчи Қўрқут муҳаррирлигига “Миллий адабиёт” журнали чоп этилган. Ушбу матбуот органининг ўзига хос хусусияти шундаки, ўзбек, туркман, қирғиз тилидаги асарлар ўз ҳолича босилган. Журнал муҳарририятида муҳожир туркистонликлардан М.Равшан Сайрон, Хушнуд, Қози, Сир боласи, Жумой Соғим, Мавлон, Ғойиб, Масрур, Доро, Зарлик, Аллаберди, Ўлмас, Талимаржон, каби шахслар фаолият олиб боришган. Журналнинг 1944 йилда чоп этилган сонларида

¹¹ Ўз PMDA, Р-2822-Ф, 1-п 89-в, 34-в, 88-в, 42-в. Ahror Azamali, Acid Hat T. 1977; Б. 14;37;40

М.Абдуллаевнинг совет жамиятидаги қатағонлик сиёсатини ёритишга қаратилган “Курбон” романи босилган¹².

Вали Қаюмхон “Миллий адабиёт” – адабий журнал, ўқувчиларнинг Ватан озодлигини кўзлаган адабиёт билан озиқлантириши керак... ёлғиз Ватан тилагини бадиий адабиёт орқали етказиш керак”¹³ – деб унинг вазифасини белгилаб берганди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Германияда мухожир ўзбеклар “Янги Туркистон” ҳафталиги газетасини ҳам чоп этдилар. Ушбу газетага Абдулла Тўлаган (Вали Зуннун) муҳаррирлик қилган.

Матбуот органларининг муентазам чиқиб туриши – моддий жиҳатдан улар таъминланганлигини тақозо қиласди. 1970 – йилларда “Миллий Туркистон” журналининг битта сонини тайёрлаш ва чоп этиш учун 7 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. Мухожир ўзбеклар турли мамлакатлардан туриб журналнинг Дюссельдорфдаги банк рақамига ионалар тўплаб маблағ ўтказиб турганлар¹⁴.

Саудия Арабистонилик мухожир ўзбек Зуҳриддин Туркистоний ташаббуси билан “Миллий Туркистон” журналига иона тўплаш ҳаракатида ҳатто, хориждаги ўзбек аёллари ҳам иштирок этиб, ўз шахсий сепларидаги қимматбаҳо тақинчоқларини ҳам беришган¹⁵.

1970–1980–йилларда мухожир ўзбекларнинг турли хорижий мамлакатларда бир қатор журнал ва газеталари чоп этилиб турган.

1975–1977–йилларда Туркия Республикасида Нуриддин Покюрак муҳаррирлигига “Ҳур Туркистон учун” номли газета нашр

¹² Каримов Б. Миллий адабиёт; Равшан ва “Курбон”, //Ёшлиқ, 2000 №3, Б. 39

¹³ “Миллий адабиёт” 1944; №2: Б. 5

¹⁴ Ahror Azamali. Acid Hat T-1977; 19; Б. 34

¹⁵ З.О.Туркистоний Анда жоним қолди менинг... Т.Чўлпон, 1992; Б. 25

этилган. Газета 5 минг нусхада босилиб, хориждаги туркистонликлар орасида тарқатилган. Газета саҳифаларида чет эл ўзбекларидан Солиҳ Эркинқўл, Абдулваҳҳоб Ўқой, Саида Ўқой, Тоҳир Чифатой, Иброҳим Ёрқин, Ҳаким Ҳайит, Абдулла Тўлаган кабиларнинг тарих, адабиёт, санъат ва иқтисодиёт муаммоларига бағишилаб ўнлаб мақолалари босилган.

1978–йилдан бошлаб Шимолий Афғонистон ўзбеклари учун Балх вилоятининг пойтахти Мозори – Шарифда кўп минг нусхада “Юлдуз” номли ўзбек тилидаги газета чоп этила бошланди. Газетанинг бош муҳаррири Абдуллоҳ Рўйин бўлиб, “Юлдуз”нинг шиори эса Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами” каби машҳур мисралари бўлганди.

1988 – 1995 йилларда асли ота-бобоси қўқонлик бўлган доктор Аҳад Андижоний муҳаррирлигида Туркияда “Туркистон” журнали чоп этилди.

Ушбу журналнинг ҳар кварталда бир марта, бир йилда 4 та сони 2000 нусхада нашр этилиб, дунёнинг 200 дан ортиқ илмий марказлари, кутубхоналари ҳамда ўнлаб мамлакатлардаги мухожир ўзбеклар орасида тарқатилган¹⁶.

Хорижда истиқомат қилган ўзбеклар ва туркистонликлар томонидан “Турк эли” (1951-1957 йилларда Германиянинг Берлин шаҳрида Керес Қанатбой муҳаррирлигида чоп этилган), “Таржимони афкор”(1952-1957, Мюнхен); “Озод Туркистон” (1954 йил Покистон Караби, муҳаррири: Муҳаммад Амин Туркистоний). “Туркистон

¹⁶ Ўз PMDA, Р-2822-Ф 1-р. 89-ҳ, 67-в

саси” (1956-1957; Туркия, Адана шахри таъсисчилари: Мұхаммад Амин Буғро, Зиёвуддин Бобоқурбон) журналлари, “Ватан” (1983-1991 йил Покистон, Пешовор шахри, мұхаррири: Озодбек) газетаси ва ўнлаб даврий бюллетенлар нашр этилди.

Мұхожир ўзбекларнинг матбуот органлари асосан араб ва лотин имлосида, мумтоз ўзбек адабий тилида чоп этилган. Чунки 1940 йилларга қадар Ўзбекистонда араб ва лотин имлолари амал қилған. Ўзбек миллати вакилларининг хорижга оммавий күчишлари даври эса иккинчи жаҳон уруши йилларига қадар рўй берганди.

Иккинчидан, чет элларда нашр юзини кўрган Туркистон матбуотининг анча қисми Туркия туркчаси, форс–тожик тили ҳамда Ўрта Осиё миллатлари (қозоқ, қирғиз, туркман)нинг турли тиллари дадир. Айрим ҳолларда Европа тилларида (инглиз, немис) ҳам журнал ва газеталар чоп этилган.

Нима бўлганда ҳам хориждаги миллий матбуот мунозараларга тўлиб-тошган XX аср биринчи ярмидаги биз яшаб турган минтақа тарихини атрофлича ва мукаммал ўрганиш учун қимматли манбалардан бири бўлишини унутмаслик керак.

1920 – йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб хориждаги ўзбеклар ўзларининг миллий уюшма ва жамиятларига асос солганлар. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида жамият ва ташкилотлар тузиш қонун йўли билан тақиқлаб қўйилганлиги учун бу ҳудудда ўзбекларнинг уюшмалари деярли тузилмади, вужудга келганлари ҳам узоқ яшамади. Мұхожир ўзбекларнинг миллий уюшмалари Туркия Республикаси, Германия, АҚШ каби давлатларда кенг фаолият олиб бордилар.

Туркия Республикаси муҳожир ўзбеклар нисбатан кўп сонли бўлиб яшаётган мамлакатлардан бири бўлиб, архив манбаларида ва 1990-1991 йиллардаги Республика даврий матбуот материалларида Туркиядаги ўзбеклар сони хусусида: 30 минг, 40 минг, 50 минг, 80 минг, 100 минг, 110 минг, ҳатто 170, 5 минг рақамлари билан боғлиқ турли маълумотлар учрайди¹⁷.

Таъкидлаш жоизки, чет эл ўзбеклари ўзини кўп ҳолларда “ўзбек” деб эмас, балки “туркистонлик” деб танитиши анъанага айланган. Бу мамлакатда истиқомат қилувчи қирғиз, туркман, қозоқ, ва қорақалпоқлар ҳам “туркистонлик” – деб ўзларини танитадилар. Шундан бўлса керак, ўзбеклар сони ҳақида турлича маълумотлар берилади. Туркияning Истанбул, Адана, Измир, Анқара каби шаҳарларида ўзбеклар нисбатан зич яшашган. Аданада, 280 оила ўзбеклар истиқомат қилса, Истанбулда ўзбекларнинг “марғилонликлар”, “андижонликлар”, “қўқонликлар” номли кўчалари бўлган¹⁸.

Германиядаги ўзбекларнинг сони билан боғлиқ маълумотлар ҳам бир хил эмас. Архив манбаларида ГФРда (1990 йилга қадар) 1 мингдан ортиқ¹⁹ ёки 3 минг атрофида ўзбеклар яшашлиги қайд қилинган²⁰.

Германияда истиқомат қилаётган ўзбеклардан бири шахсий мулоқотда ушбу мамлакатда 7 минг сонли туркистонликлар (бу рақам

¹⁷ ЎзРМДА, Р-2822-Ф. 1-р. 88-х; 40-в. 89-х; 111-в. Убайдулла Т. Ўзбекистон-Туркия: ҳамкорлик қирралари. // Тошкент оқшоми, 1991. 19 ноябр. Усмонов И. Соҳилга интилаётган тўлқинлар. (Туркиялик Аҳмад Андижоний билан сұхбат) // Мулоқот; 1991; №6; 68-б. Аҳмедов Б. Ўзбеклар // Мулоқот; 1991; № 1; Б. 53.

¹⁸ «Ватандош» радиостанцияси жорий архиви, 1989 йил, 12 апрель, эшиттириши папка № 14, Б. 3

¹⁹ ЎзРМДА, р- 2822-Ф; 1-р; 89-х; 111-в;

²⁰ Ўша архив, 88-х; 3-в;

нуқул ўзбеклар сонига тегишли эмас) бор деб, маълумот берганди²¹. Германия ўзбеклари асосан бу давлатнинг Мюнхенъ, Дюссельдорф, Кёльн каби дунёга машҳур шаҳарларида жойлашганлар. Германиялик ўзбекларнинг анчалик иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар Германиясига асир тушган шахслардир. Демак, Германия ўзбеклар нисбатан кўп сонли бўлган Европа мамлакатларидан биридир. АҚШдаги ўзбеклар сони билан боғлиқ маълумотлар ҳам турлитумандир. АҚШда 500 оила, 800 оила, 1000 оила ўзбеклар яшashi манбаларда қайд қилинган. Архив ҳужжатларида XX аср II ярмида АҚШнинг Нью-Йорк, Вашингтон, Лос-Анжелос, Чикаго каби шаҳарларида 2-3 минг ўзбек истиқомат қилаётганлиги қўрсатилган.²²

Туркия Республикаси, Германия ва АҚШдаги ўзбеклар асл Ватанлари Ўзбекистон билан қавм – қариндошлилик ришталарини ўрнатиш, миллий урф-одатлари ва ўзбек тилини сақлаб қолиш, муҳожиратда бир-бирларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ота-боболари юртини совет мустабид тузумидан озод қилиш учун курашни давом эттириш каби турли-туман мақсадларда ўзларининг миллий уюшма ва жамиятларга асос солганлар.

Муҳожирлик тўлқинлари давом этиб турган 1920 – йиллардаёқ, Туркияга кўчиб ўтган Германиядаги собиқ “Бухоролик талабалар” ўзларининг уюшмаларини тузиш ҳаракатида бўлишган. 1927-йилнинг 29 июлида Истанбулда “Туркистон турк генчлари (ёшлари) бирлиги” номли ташкилот тузилди. Ушбу ташкилотни тузиш ва унинг ишига раҳбарлик қилишда Межидидин Аҳмад (Делил), Ёкуб Файзи, Зиё Китобчи, Зоҳид Уйлер, Тимур, Абдулқодир, Яҳёбек кабилар муҳим

²¹ Шахсий сұхбат материаллари, 1998 йил, 18 апрель.

²² ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-Р, 88-х, 28-в; 89-х; 15-в.

роль ўйнайдилар. Уюшманинг раиси, тиш касалликлари доктори Аҳмад Делил бўлиб, у 1902 йилда Тошкентда туғилган, 1922 – 1923 йилларда бир қатор Туркистонлик талабалар билан Туркияга ўқишига юборилган. Истанбулда тиббиёт соҳасида олий таҳсил олган Аҳмад Делил умр бўйи Туркияда яшаб қолди. “Туркистон генчлари бирлиги” уюшмаси “Бирлик” уйига эга бўлиб, унинг тадбирларида ўзбек миллий байрамларини ҳамкорликда нишонлаш, моддий аҳволи оғир туркистонликларга ёрдам кўрсатиш, “Туркистон кунлари”, тадбирлари ҳамда адабий кечалар уюштириш кабилар муҳим ўрин тутган.

1930–йил 10 октябрда “Бирлик” уйида мазкур уюшма тузилганлигининг 3 йиллиги муносабати билан байрам тантаналари ўтказилган. Байрам кечасида Туркиядаги ўзбек муҳожирларидан Усмон Хўжа Пўлатхўжаев(1878 – 1968 йй), Аҳмад Найим (1900-1984 йй), насл-насаби туркистонлик бўлган аёллардан Розия хоним, Маъмурда хонимлар иштирок этишган. “Туркистон генчлари бирлиги” уюшмаси аъзолари Туркия Республикаси президенти Мустафо Камол Отатуркка туркистонлик муҳожирлар номидан мурожаат мактубини йўллашган²³. Мазкур уюшманинг фаолияти иккинчи жаҳон уруши йилларида тўхтаб қолди. 1949 йилда муҳожир ўзбеклардан бирининг фарзанди Афғонистондан Туркияга кўчиб ўтган Зиёвуддин Бобоқурбон ушбу уюшмани “Туркистон талабалар бирлиги” номи билан янгидан тиклаган. Кўп ўтмай бу ташкилот “Туркистон ёшлари жамияти” номи билан аталиб, унинг фаолиятида профессор Аҳмаджон Иброҳим Ўқой, доктор Солих Эркинқўл, Тоҳир Чифатой,

²³ Элтар .Истанбулда Туркистон куни // Ёш Туркистон; 1930, №12, Б. 32-33 (араб имлосида)

Шавкат Ёрбоғ, Бадриддин Охунбой, Шавкат Ўзбек ўғли, Қодиали Чигатой, Ҳалим Мурод ўғли (туркман) кабилар иштирок этдилар²⁴. 1963–йилда Туркиянинг Истанбул ва Адана шаҳарларида “Ҳақиқатчилар” номи билан яна бир уюшма тузилган. Уюшма аъзолари жамоа бўлиб ўзбек тилида ёзилган бирор-бир китобни ўқиш, грампластиинка ва магнитафон ленталарига ёзиг олинган ўзбек ҳофизларининг қўшиқларини биргаликда тинглаш, муҳожирлар орасидан ўқитувчи танлаб фарзандларига ўзбек тилида таълим бериш тадбирларини уюштиришган²⁵.

Муҳожир ўзбекларининг айрим уюшма ва ташкилотларида Туркистон миллий истиқоли масалалари кенг муҳокама қилинганлиги, бу масалада амалий ҳатти – ҳаракатлар бўлганлиги учун совет мафкураси нуқтаи – назаридан уларга антисовет ташкилотлар сифатида муносабат билдирилган. 1960–йилларда Б.Хўжанд раислигида Аданада мавжуд бўлиб турган “Туркистонликлар жамияти”, Измирдаги “Коммунизм билан кураш жамияти” кабилар шулар жумласидандир²⁶.

Туркиянинг Адана шаҳрида иккинчи жаҳон урушидан сўнг “Турк мужоҳидлар дарнаги” (“Мужоҳид туркий ветеранлар”)нинг уюшмаси тузилиб, уни собиқ “босмачи” раҳбарларидан ака-ука Шермуҳаммадбек (1893-1970) ва Нурмуҳаммадбеклар бошқарган. “Муҳожир ветеранлар уюшмаси” аъзолари оз сонли ва кексайиб қолишган бўлсада, Туркия ҳукумати олдида етарлича обрў-эътиборга эга эдилар. Шунинг учун ҳукумат уларга Адана, Истанбул ва Измир

²⁴ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 89-х, 25-в.

²⁵ Ўша жойда, 8-х, 89-в.

²⁶ Ўша архив 8-х; 96-в.

шаҳарларида алоҳида бинолар ажратиб берганди. Ҳар йили уюшмага Туркия ҳукумати 100 минг лира миқдорида моддий ёрдам кўрсатган. Бундан ташқари ташкилот “Халқаро Қизил Ярим Ой жамияти” ва Туркия инсонпарварлик ташкилотларидан моддий мадад олиб турган²⁷.

Туркияда 1954 – йилдан бошлаб муҳожир ўзбекларнинг энг иирик ташкилоти: “Бати туркистонликлар ёрдамлашма дарнаги” (“Ғарбий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти”) фаолият юритган. Ушбу ташкилотнинг Адана, Анқара, Истанбул каби шаҳарларида бир неча бўлимлари бўлган. Ташкилотнинг биринчи раиси, асли бухоролик, иқтисодчи олим Аҳмад Найим Ўқой бўлганди. Кейинчалик уюшма “Туркистонликлар культур ва социал ёрдамлашма дернеги” деб номланиб, унинг турли шаҳарлардаги бўлимлари ихтиёрида клуб, кутубхона, чойхоналар бор эди. Бу жамиятга Аҳмад Найимдан сўнг Солиҳ Эркинқўл, Зиёвуддин Бобоқурбон, Неъмат Улуғтуғ, Ҳакимжон, Аҳад Андижоий каби шахслар раислик қилишди. Жамият Туркия ҳукумати томонидан расмий тан олинган, аъзолик бадаллари ҳисобига кун кўрадиган, моддий жиҳатдан муҳтоҷ ўзбекларга ёрдам кўрсатадиган, байрам кечалари ва тадбирлари уюштирадиган марказ эди²⁸.

1950-1960 йилларда Хитой Ҳалқ Республикасининг Шин-Жонг уйғур муҳтор районидан Туркияга кўчиб ўтган уйғур, қозоқ, қирғизлар биргаликда “Доғи туркистонликлар ярдейлешма, дернеги” (“Шарқий Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти”) ни тузишган.

²⁷ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 8-х, 9; 126, 127, 128-вараклар.

²⁸ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 71-х, 16-в, 72-х, 50, 51-в; Тоҳир Қаххор. Ҳур Туркистон учун. Т;Чўлпон. 1994; Б. 42

Ушбу ташкилотни тузишда тарихчи олим, “Шарқий Туркистон учун кураш”, “Шарқий Туркистон инсониятдан ёрдам истайди” китобларининг муаллифи Исо Алптегин ва Муҳаммад Амин Буғролар мухим роль ўйнади²⁹. Туркия Республикасида мухожир туркистонликлар тузган уюшма ва жамиятларнинг барчаси яшовчан бўлиб чиқмади. Уларнинг узок фаолият кўрсатишига моддий қийинчиликлар, турк ҳукумати сиёсатининг ўзгариб туриши каби омиллар тўсқинлик қилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу уюшмаларда ўзбеклар кўп сонли бўлиб, Ўрта Осиёдан бориб қолган бошқа миллатлар (қозоқ, қирғиз, туркман ва ҳоказо.) имкон қадар ўзларининг мустақил жамиятларини тузишга ҳаракат қилишарди.

Германияда иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистларга асир тушган туркистонликлардан Вали Каюмхон (1902-1993 йй.) Туркистон Миллий Бирлиги Қўмитаси (ТМБҚ) ташкилотини тузган эди. 1942 йилда шаклланган ушбу уюшма ўзининг “Миллий Туркистон”, “Миллий адабиёт” каби мажмуалари ва “Янги Туркистон” газетаси каби матбуот органларига эга бўлганлиги бир қадар олдинги саҳифаларда баён қилинди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам ТМБҚ ўз фаолиятини давом эттирган. Бундан ташқари 1960-йилда Фарбий Германиянинг Штутгарт шаҳрида асли кўқонлик, иккинчи жаҳон урушининг собиқ асири, “Туркистон легиони”да оддий аскар бўлган Зоир Обидов раислигида “Туркистонликларнинг ўзаро ёрдамлашма жамияти” тузилган. Жамият 30-40 тача атрофидаги мухожир туркистонликларни ўзида бирлаштирган. Совет мафкураси баҳосича “бетараф” гуруҳга киритилган Зоир Обидов

²⁹ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 8-х, 128-в, 72-х, 51-в, 89-х; 8;9-в; 91-х; 9-в.

манзилгоҳига Ўзбекистондан ўзбек миллий буюмлари, грампластинкалар, миллий адабиётлар юборилган³⁰.

1967-йилда Мюнхенъда (Фарбий Германия) Аҳмаджон Умарий исм-шарифли ўзбек 40 кишини ўзида бирлаштирган “Туркистонлик ватандошлар” ташкилотини тузган. Уюшма аъзолари асосан иккинчи жаҳон уруши ветеранларидан иборат бўлиб, А.Умарий 1970-йилда Ўзбекистонга ҳам ташриф буюрган эди. Мазкур ташкилот анча яшовчан бўлиб, 1975-йилда унга 100 дан ортиқ муҳожир туркистонликлар бирлашган. Туркистонлик ватандошлар жамиятини Аҳмаджон Умарийдан кейин Мурат Тожимурот (туркман) ва Собир Эшимбет (қорақалпок) кабилар бошқарган эдилар. Улар ҳар иккаласи ҳам собиқ “легиончилар” бўлиб, урушдан сўнг “Озодлик” радиосининг “Туркистон” бўлимида ишлашган³¹.

1965-йилда Мюнхенъда “ГФР даги Ватандошлар жамияти” ҳам тузилганди. 1978-йилда ушбу жамият тарқалиб, “Фарбий Германиядаги туркистонлик ватандошлар маданий жамияти” ташкил топди. Ушбу уюшмага иккинчи жаҳон уруши йилларидағи муҳожирлардан 70 та туркистонлик, асосан ўзбеклар бирлашган³².

ГФР нинг Мюнхенъ шаҳар хукумати ташкилот ҳаётидан хабардор эди. Унинг раҳбари Мурод Аҳмедов бўлиб, ушбу шахс 1917 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган, 1937 йилгача Самарканд давлат медицина институтида таҳсил олган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистларга асир тушиб, урушдан сўнг Германиянинг Мюнхенъ шаҳрида умрининг охиригача яшаб қолган ва немис аёлига

³⁰ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 258-х, 168-в.

³¹ Муҳожир Ўзбек Аҳрор Аъзамовнинг шахсий архиви; 1976 йил, 23-25 сентябрь; VIII дафтар; Б. 10-12-15

³² ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 72-х, 46; 47-в.

уйланган. Мурод Аҳмедов оила аъзолари билан бир неча бор Ўзбекистонда бўлди. М.Аҳмедовнинг қизи Жаклин Аҳмедова Ўзбекистон халқ артисти Бернора Қориевадан балет сирларини ўрганиб, Вена (Австрия) опера балет театрида актёр бўлиб ишламоқда³³.

М.Аҳмедов тузган уюшма қавм-қариндошлар ўртасида мактубий алоқалар ўрнатиш, ўзбек миллий адабиёти ва санъати намуналари билан германиялик ўзбекларни таъминлаш, Ўзбекистонга қайтишни истаган ўзбек муҳожирларига ёрдам қўрсатиш каби соҳаларда хайрли ишларни амалга оширди.

Муҳожир ўзбеклар томонидан тузилган уюшма ва ташкилотлар орасида АҚШдаги миллий уюшмаларнинг фаолияти муҳим ўрин тутади. АҚШнинг Нью-Йорқ, Вашингтон, Филадельфия, Чикаго, Лос Анжелос штат ва шаҳарларига 1950-йиллардан бошлаб ўзбек оиласарининг кўчиб ўтиш жараёни туфайли бу мамлакатда “ўзбек диаспораси” вужудга келди. 1958-йилдан Нью-Йоркда “Туркистонликлар жамияти” тузилган, бироқ, бу ташкилот дастлаб кенг тус оладиган таъсирчан кучга эга бўлмаган. 1965-йилда ўзбек оиласари зич яшайдиган Нью-Йорк шаҳрида “Туркистонликлар Америка Ассоциацияси” (“Туркистонликлар Америка Жамияти” – ТАА) тузилди³⁴. Мазкур жамиятни тузишда АҚШга нисбатан олдинроқ муҳожир сифатида кўчиб келганлар: Маҳмуд Мақсудбек, Ҳусан Икром, Эргаш Шермат (Булоқбоши), Исоқжон Нарзиқул, Рўзи Назар, Туробхўжа Абдуллаҳўжа каби (жоъми 13 киши) асосан собиқ

³³ Ўша архив; 34-х, 37-в, Ўзбекистон театр уюшмалари жорий архиви; 1987 йил; 15 май.

³⁴ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-п, 89-х, 38-в.

“Туркистон лигионер”лари муҳим роль ўйнадилар³⁵. ТААНИНГ биринчи президенти (раиси) асли қўқонлик ўзбек Маҳмудбек Мақсудбек бўлган³⁶. ТААНИНГ ташкилий тузилиши: президиум ва президиум бюросидан иборат бўлиб, раҳбарлик органларига президиум раиси, унинг ўринbosарлари ва президиум котиби кирган. Ассоциация раиси (Президенти) бир йилда бир марта сайланган. М.Мақсудбек Нью-Йорк университетида ўзбек тилидан талабаларга дарс бериб, бир ойда 700-800 доллар миқдорида маош олган³⁷. Университетнинг “совет муаммолари” бўлимида тахсил олган талабалар, ҳатто АҚШдаги Колумбия университети профессори Э.Оллворд ҳам ушбу инсондан ўзбек тилида ўқиш, ёзиш, гапира олиш кабиларни ўрганиб, унга маҳсус имтиҳон топширган³⁸. М.Мақсудбек ушбу ташкилотга умрининг охиригача (1910-1993) аъзо бўлиб қолди³⁹. ТАА аъзолари дастлаб 50-60 киши атрофида бўлиб, 1970-йилларда 300 киши, 1980-йилларнинг иккинчи ярмида 500 киши бўлишган. Ташкилотнинг моддий асосини унга аъзо бўлиб кирган ҳар бир киши томонидан тўланадиган 9 доллар миқдоридаги бадал ташкил қилган⁴⁰. Бундан ташқари бадавлат муҳожир ўзбеклар ташкилот ҳисобига ўз шахсий жамғармаларидан пул ўтказиб туришган. Ташкилотга аъзо бўлиш хукуқига барча туркистонликлар (қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, тоҷик) эга эди. ТАА ўз мажлисларини муттасил ўтказиб турган. 1970 йилларда ТААга аъзо бўлган ҳар бир оиланинг аъзолик бадали 24 доллар миқдорида

³⁵ Ахрор Аъзамовнинг шахсий архиви. 1975 йил, 15 январ. 1 дафтар. Б. 3

³⁶ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 89-х, 38-в.

³⁷ Ахрор Аъзамовнинг шахсий архиви. 1975 йил, 25 август. 3 дафтар. Б. 5

³⁸ Али Шермат ўғли. Истиқлолга ишонч абадийдир. //Хабар, 1993, 8 январь.

³⁹ Кўчимов А. Сехрли диёр. //Ёш ленинчи. 1991, 20 июль.

⁴⁰ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 89-х, 38-в.

белгиланган. 1979-йилда ТАА 50 минг долларга Нью-Йорк шаҳрининг Бруклен кўчасидан 300 кишилик (айрим манбаларда 500, 600 кишилик) бинони ижарага олди ва уни “Туркистонликлар байналминал уйи”га айлантириди.⁴¹ “Байналминал уй” 300 кишилик мажлис зали, кутубхона, ошхона, киноустановка, бошқарув идораси каби қисмлардан иборат эди. Нью-Йоркдаги “Туркистонликлар биноси”ни сотиб олишда М.Мақсадибек ўзининг 25 минг долларлик шахсий жамғармасини, ҳамда муҳожир ўзбек, саноатчи Исҳоқжон Нарзиқул ҳам тахминан шунча миқдорда маблағ сарфлаган⁴². ТАА мусулмонлар мактабига ҳам эга бўлиб, уни қошида муҳожир туркистонликлар фарзандлари учун ўзбек тили, ҳамда диний билимларни ўргатадиган мактаб очилган ва ўқиши битирганларга диплом берилган⁴³.

Мустабид совет тузуми йилларида ТАА жаҳон афкор оммаси диққат- эътиборини Туркистон (Ўрта Осиё)га қаратиш мақсадида кураш олиб борган. АҚШ давлатининг олий органи бўлган Конгресс ҳам уюшма фаолиятидан хабардор қилинди. ТАА АҚШда ва жаҳоннинг турли мамлакатларида истиқомат қилувчи ўзбеклар орасида хайрли ишларни амалга оширди. 1960-йилларда жамият фаоллари Афғонистон, Покистон, Хиндистон, Туркия каби мамлакатларда яшайдиган ўзбек муҳожирларидан 60 оилани дунёning ривожланган давлати АҚШга кўчириб уларни уй-жой, иш билан таъминлашга эришдилар. Жамият аъзолари АҚШда “Туркистон озодлиги куни”, мусулмон диний байрамлари: қурбон ва

⁴¹ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 89-х, 38-в. Ахрор Аъзамовнинг шахсий архиви. 1980 йил, 16 март. З дафтар. Б. 15

⁴² Ахрор Аъзамовнинг шахсий архиви. 1980 йил, 28 июль. 2 дафтар, Б. 7

⁴³ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 89-х, 71-в.

рўза ҳайити ҳамда “Наврўз” байрами кабиларни биргаликда нишонлашни уюштирилар.

Мухожир ўзбек оиласарининг ҳамжиҳатлиқдаги тўй, саёҳатлар тадбирлари уюштирилди. Ушбу тадбирларда моддий ва маънавий жиҳатдан бир-бирларини қўллаш, кам таъминланган оиласарга мутассил моддий ёрдам қўрсатиш ишларига эътибор қаратилди. ТАА АҚШдаги ўзбекларнинг Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардаги қавм-қариндошларини излаб топиши ва ўзаро муносабатлар ўрнатишларига ҳомийлик қилди. АҚШда Аҳмаджон исмли мухожир ўзбек вафот этганида мозорлик учун жой топиш мушкул бўлганлиги билан боғлиқ сабоқдан хулоса чиқариб, ТАА 6750 долларга 27та мозорлик жойи сотиб олган. 1971-1972 – йилларда жамият аъзоси Бурхон Аъламхўжа тузган “Туркистон клуби” ҳам ҳар бир оиладан 300 доллардан бадал тўплаб, 23 та мозорлик жойини туркистонликлар учун сотиб олиб мухожир ўзбеклар жаъми 50 та мозорлик жойга эга бўлдилар ва ушбу муаммо бир қадар ҳал қилинди⁴⁴. ТААни моддий жиҳатдан мустаҳкамлашга иона тўплаш ҳаракати бўлиб, унинг ҳисобига Ғуломжон Ясса, Мирза Пўлат Ҳакимий, Сайд Султонмансур сингари сертармоқ ўзбек оиласари кўп миқдорда пул ўтказишган. Ўзбекистон истиқоли арафасида, яъни 1991-йилнинг мартаиди Нью-Йоркдаги “Байналминал уй”да ТАА ташабbusи билан “Орол танглиги муаммолари” мавзусида халқаро анжуман ўтказилган. Икки кун давом этган анжумандаги иштирок этиш учун ташриф буюрган ўнлаб мамлакатлардан келган мухожир ўзбек вакилларига ўзбекона миллий таомлар тортилган. Мажлислар залида

⁴⁴ Ахрор Аъзамовнинг шахсий архиви. 1979 йил, 9 дафтар, Б. 14

“Ороллик аёл” тасвирини АҚШлик ўзбек мұхожири Салима Окуян чизган ва ўз асарини анжуман сүнгіда ўзбекистонликларга совға қилған⁴⁵.

ТААни 60-80 йилларда Абдуллахўжа Туробхўжа ўғли, Ҳусан Икром, Исҳоқжон Нарзиқул, Анварбек, Мирза Пўлат Ҳакимий, Неъмат Бегиш каби мұхожир ўзбеклар бошқаришган.

ТАА АҚШда ҳар йили ўтказилган “Қулликда яшаётган халқлар ҳафталиги” тадбирида иштироқ этган. Бу ташкилот “Туркистон озодлиги” билан боғлиқ “Туркистонликлар кечаси” номли ҳар уч ойда бир марта, бир йилда тўрт марта чоп этиладиган матбуот органи, яъни ўз бюллетенига эга. ТАА аъзолари Ўрта Осиёни ўрганиш билан боғлиқ АҚШ ва бошқа, дунё мамлакатларида ўтказиладиган илмий анжуманларда, “Халқларнинг большевикларга қарши иттифоқи” йиғилишларида қатнашган⁴⁶. Улар тайёрлаган мақолалар бюллетен саҳифаларида эълон қилинган. ТАА аъзолари “Озодлик” радиоси мұхарририяти чоп этган “Туркистон овози” бюллетенида ҳам фаол қатнашди⁴⁷. ТААда ўзбеклар билан бирга қирғиз миллатига мансуб бўлган Худойберган Азамат Ўзолтой, Содик Алдаш, Жўрабой Ашур ўғли, Жергаш Эрали, Султон Мурод Мирусмон каби собиқ “Туркистон лигионер”лари ҳам аъзо бўлишган. Улар асосан татар, немис, турк аёлларига уйланган бўлиб, университетлар кутубхонасида илмий ходим, банкларда теллер (хизматчи), оддий ишчи каби касблар билан шуғулланишган. 1970-йилларнинг иккинчи ярмидан қирғизлар ТАА фаолиятида деярли қатнашмай қўйганлар⁴⁸.

⁴⁵ Кўчимов А. Сехри диёр. //Ёш ленинчи. 1991,20 июль.

⁴⁶ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р,89-х, 74-в. 88-х, 46-в.

⁴⁷ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р,88-х, 45-в.

⁴⁸ Ахрор Аъзамовнинг шахсий архиви.1985 йил, 28 июнь, 14- дафтар, Б. 12

ТАА билан бир пайтда Нью-Йоркда 1960-йилларда М.Мақсудбек томонидан “Нью-Йорк мусулмонлари корпорацияси” ташкилоти ҳам тузилганди⁴⁹. ТАА Нью-Йоркдаги “Чопондоз” нашриёти, “Америка ислом маркази” (раиси Абдулманныон) кабилар билан алоқа ўрнатган⁵⁰.

Муҳожир ўзбекларнинг ХХРнинг Шинг-Жонг уйғур муҳтор районида “Ўзбек тили ва маданиятини тарғиб қилиш маркази”, Иерусалим (Қуддус)даги “Байтул мақдис” масчити қошида “Ўзбеклар маркази”, Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида “Бобурийлар маданиятини ўрганиш маркази”, Австралияда “Австралия ўзбеклари” жамияти каби уюшмалари ҳам мавжуд бўлган.

Хуллас, хориждаги ўзбеклар миллий матбуоти, миллий уюшма ва ташкилотлари тарихида Туркия, Германия ва АҚШ ўзбекларининг фаолияти самарали бўлганлигини тарихий далиллар тасдиқлайди.

“Келажакни олдиндан башорат қилиб ҳақиқатни айтган боболаримиз олдида уч йўл бор эди, бири ҳақ йўлида жонини фидо, қурбон қилиш, иккинчи, истибдодга қўниб, тақдирга тан бериш, учинчиси тарки дунё қилиб, ғариблик жандасини кийиб ватандан бош олиб кетмак. Не қиласликки тақдир экан бизларнинг оталаримиз учинчи йўлни танлаган”.

Шаҳобиддин Ясса- Туркиялик муҳожир ўзбек.

⁴⁹ ЎзРМДА. Р-2822-Ф, 1-р, 8-х, 9-в.

⁵⁰ Ўзбекистон дўстлик жамиятлари комитети жорий архиви. 1993 йил 25 май.

II. Бухороликларнинг хориждаги ташкилот ва юшмалари

Ортда қолган XX асрда, яъни ер юзидағи сўнгги салтанат ҳисобланган совет мустабид тузуми йилларида тазийқ ва қатафонлик сиёсати туфайли бир неча босқичда “мухожирлик тўлқинлари” рўй берди. 1917-1924, 1920-1930- йиллардаги хорижга оммавий мухожирликка кетиш оқибатида “ўзбек диаспораси” вужудга келганди. Ўзбеклар учун иккинчи Ватан, аввало Шарқ мамлакатлари бўлди.

Хорижда яшашга мажбур бўлган ўзбеклар ва туркистонлик ҳисобланган бошқа миллат вакиллари ўзлари қаердан келиб чиққанликларини, ота-боболари ким эканлигини унутмаслик мақсадида исм-шарифларидан сўнг ўзларига “Туркистоний” ёки “Бухорий” номларини олдилар. Бухоро – Туркистон минтақасида алоҳида мавқе ва ўринга эга бўлганлиги сабабли асли насли самарқандлик, хивалик, фарғоналик бўлишидан қатъий назар қўпчилик мухожирлар “Бухорий” деб аталарди. Бу эса ўтмишда Бухоронинг шон-шуҳрат ва юксак обрўга эга бўлганлигидан, Ғарбий Туркистонни - “Катта Бухоро”, Шарқий Туркистонни - “Кичик Бухоро” кабилар билан аталишидан ҳам маълум эди. Қошғарликлар Шарқ мамлакатларида “кичик бухороликлар”, деб юритилган. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Европада XIX асрга қадар Бухоро ва Туркистон номлари ёнма-ён, бир хил маънода қўлланилган. Ислом маънавиятининг йирик намояндаси ва дарғаси бўлган И мом Исмоил ал - Бухорий ватанидан эканлигига ишора сифатида ҳам мухожир юртдошларимиз “Бухорий”, “ал-Бухорий” номларини қабул

қилганлар. Хорижда, айниқса Яқин ва Ўрта Шарқ миңтақасидаги мусулмон мамлакатларида “Бухорий”ларга буюк муҳаддис олим Ватанидан бўлғанлиги учун алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилган, айrim ҳолларда улар солиқлардан ҳам дархон қилинган.

Муҳожирлик тўлқинлари юз бериб турган XX асрнинг биринчи ярмида Ватанидан йўли айри тушганларни ҳимоя қиласиган бирор бир халқаро ташкилот йўқ эди, ёки муҳожирлар манфаатига қаратилган халқаро қонун-қоидалар, конвенция ва ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тарихий шароитда муҳожиратдагилар учун ажнабий мамлакатларда истиқомат қилиш, умргузаронликни ўтказиш осон кечмади.

Ватанидан жудо бўлғанлар бир-бирларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маънавий мадад бериш, миллий урф-одат ва анъаналари, она тилларини сақлаб қолиш мақсадида миллий уюшма ва ташкилотларига асос солдилар.

Ўзи ёки ота-боболари асли бухоролик бўлган муҳожирлар туркистонликларнинг “Туркистон Америка Ассоциацияси” (ТАА), “Метрополитен Америка Ассоциацияси” (АҚШ), “Канада ва Америка Бухоро яхудийлари Конгресси” (АҚШ), “Туркистонлик ватандошлар жамияти” (Германия), “Туркистонликларга маданий ва ижтимоий ёрдамлашма дернеги”, “Евроосиё турк жамиятлари уюшмаси”, “Турк ветеранлар уюшмаси” (Туркия), “Ўзбек тили ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази” (XXР), “Ўзбеклар маданий маркази” (Истроил) каби уюшмалар фаолиятида иштирок этиб келганлар. Куддусдаги

Ўзбеклар маданий марказини Шайх Абдулла Азиз ал-Бухорий бошқарган.⁵¹

Сурия Араб Республикаси (САР) 1930-йилларда ўзбек муҳожирлари зич яшайдиган мамлакатлардан бири бўлган. Архив манбалари билан танишар эканмиз Сурияда истиқомат қилувчи ўзбеклар (туркистонликлар) барчаси “Бухорийлар” деб аталганлигига гувоҳ бўламиз. Улар ҳақида фикр билдирилганида Бурхон ал-Бухорий, Фотима ал-Бухорий (ушбу рўйхатни давом эттириш мумкин) каби номлар қўплаб қайд қилинади.⁵²

Мустақиллик арафасида, яъни 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси мутассади раҳбарларига маданий ёрдам сўраб мактуб йўллаган бухорийлар ҳам Сурия Араб Республикасидаги муҳожирлар эди.⁵³

Ота-бобоси асли андижонлик бўлган Бурхон ал-Бухорий филология соҳасида илмий изланишлар олиб бориб профессор унвонига сазовор бўлган. У узоқ йиллар давомида Сурия пойтахти Дамашқда истиқомат қилиб “Ўзбек - араб тили луғати”ни яратди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг асарларини транскрипция йўли билан Европа тиллари (инглиз ва француз)га таржима қилиб тарқатиш иши билан шуғулланди.⁵⁴

Яқин ва Ўрта Шарқдаги нотинч вазият, минтақадаги уруш ҳолати (1948-1949, 1967, 1973, 1980) яъни Истроил-араб можароси туфайли Суриядаги Бухорийлар Саудия Арабистони, Туркия, АҚШ,

⁵¹ Ўзбекистон чет эллар билан дўстлик жамиятлари уюшмасининг жорий архиви, 2000 йил хисоботи, Папка №6, Б.3.

⁵² ЎзРМДА, Р-2661-Ф, 1-Р, 385-ҳ, 3-в, ЎзРМДА, Р-2822-Ф, 1-Р, 33-ҳ, 12-в, 24-в, 88-ҳ, 40-в, 89-ҳ, 44-в, 87, 88, 89-в.

⁵³ Каранг. Юсупов А. Хориждаги ўзбеклар // Ёшлиқ, 1989, №6, Б.13-15.

⁵⁴ ЎзРМДА. Р-1618-Ф, 5-р, 2350-ҳ, 112, 113-в.

Австрия мамлакатлариға күчіб ўтдилар. Шунга қарамай 1990 йилларда САРда 1000 нафар ўзбек мұхожирлари бўлиб, улар асосан ушбу мамлакатнинг Дамашқ, Латакия, Алеппо вилоятларида истиқомат қилғанлар.⁵⁵

Суриядаги мұхожирлар ҳақида бир қадар кенгрөк маълумот беришдан мақсад, илк бор бухороликлар айнан шу мамлакатда ўзларининг миллий уюшмалариға асос солғанликларини баён қилишdir. 1930 йилларнинг охирларида салмоқли рақамни ташкил этадиган бухороликлар жамоаси Сурияning асосан Шом вилояти ва мамлакат пойтахти Дамашқда яшаганлар. Улар орасида иқтисодий жиҳатдан бир қатор бадавлат шахслар ҳам бор эди. Бухоролик мұхожирлар ўзларининг мусулмон масчитларига эга бўлишган. Маълумки, биринчи жаҳон уруши натижаларини кўрган 1919 йилдаги Версал (Франция) шартномаси қарори билан Сурия Францияга мандат қилиб берилган эди. Бухороликлар Сурия аҳолисининг умумий рўйхатига киритилгач, 1940 йилда Дамашқда “Бухороликлар ёрдамлашма жамияти”ни тузишган. Ушбу жамият қошида мұхожир ўзбек болалариға бошланғич диний билим берадиган мактаб ва савод чиқарадиган махсус курс мавжуд бўлган. Мактаб ва курсда бухороликларнинг фарзандлари текин ўқитилган, ўқиш харажатлари бой мұхожирлардан тушган маблағ ва вақт-вақти билан тўпланган бадаллар ҳисобидан қопланган.⁵⁶

Бухороликлар зич яшайдиган Жоми ал-Аъзамда (бу ҳудуд Дамашқ шаҳри атрофида -Ш.Х.) диний мактаб базасида “Ўзбеклар ёрдамлашма жамияти” ҳам мавжуд бўлган. Ушбу уюшманинг

⁵⁵ ЎзРМДА, Р-2822-Ф, 1-р, 88-х, 40-в.

⁵⁶ ЎзРМДА, Р-2822-Ф, 1-р, 88-х, 25, 83-в.

мақсади иқтисодий ахволи оғир бўлган муҳожирларга моддий мадад бериш ҳамда миллий тил ва урф-одатларни сақлаб қолишида қўмаклашиш эди.⁵⁷

Таъкидлаш жоизки, уюшмаларнинг аъзолари ўртасида мазкур ташкилотларни бошқариш, улар тузилмалари, вазифаларини аниқлаш йўналишларида зиддиятлар мавжуд бўлиб турган. Бироқ бу сабаб бухороликлар жамиятларини тарқатилишида асосий омил эмасди.

Муҳожирлар жамиятининг тугаб кетишига 1958 йилда мустақил Сурия Араб Республикасининг ташкил топиши ва ҳукумат томонидан чиқарилган ҳар қандай уюшмаларни тақиқлаш тўғрисидаги қонун сабаб бўлган. Бундай ҳолат Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудидаги барча араб мамлакатларининг ҳукуматлари учун хос бўлиб, мазкур давлатларда ўзбеклар - қанчалик кўп сонли бўлиб яшамасинлар бугунги кунда уларнинг деярли бирорта ҳам расмий жамиятлари йўқ.

Тарихдан маълумки, Бухорода ўтмиш асрлардан буён “Бухоро яҳудийлари” номи билан яҳудий миллати вакиллари истиқомат қилиб келишган.

XX асрда Бухоро яҳудийларининг ҳам хорижий мамлакатлар бўйлаб муҳожирлик жараёни таъсирли кечди. Бухоро яҳудийлари нафакат Истроил давлатига, қолаверса хорижнинг АҚШ, Австрия, Англия, Италия каби мамлакатларига муҳожирликка кетдилар. Бухоро яҳудийларининг ҳам айрим мамлакатларда миллий уюшмалари вужудга келди.

Жумладан, 1985 йилда Австрия пойтахти Вена шаҳрида бухоролик яҳудийларнинг “Сафардий яҳудийларининг диний

⁵⁷ Ўша архив, Р-2822-Ф, 1-р, 89-ҳ, 33-в.

ватандошлар жамияти” тузилди. Ушбу жамият қисқа фурсатда Австрия мамлакатида истиқомат қилаётган 2000 бухоролик яхудийлардан 500 нафарини ўзида бирлаштириди ва ўзининг матбуот органи бўлган “Бухорим” газетасига асос солди.⁵⁸

Пойтахт Венада ўзининг шахсий медицина клиникасига эга бўлган Г.С. Галибов “Сафардий яхудийларининг диний ватандошлар жамияти” раиси сифатида фаолият олиб бориб, собиқ “Родина” (Ватан) жамияти ва унинг раҳбари Арис Кухар билан алоқа ўрнатганди. Ушбу ташкилот муҳожир Бухоро яхудийларини ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш, уларга моддий ёрдам қўрсатиш каби хайрли ишларни амалга оширди.⁵⁹

Бухороликларнинг хориждаги ташкилотларига Бухордан бир қатор миллий аҳамиятга эга бўлган буюмлар, сувенирлар, миллий кийим-кечаклар, китоб ва дарсликлар, грампластинкалар, видеокассеталар, газета ва журналлар юборилган. Муҳожиратда истиқомат қилган бухороликлар орасида совет даври тарихий адабиётларида қайд қилинганидек “гадо”, “қашшоқ”лар йўқ. Улар ўзларига тўқ ва фаровон яшашади, бироқ юртдошларимиз Бухорои-шариф “гадоси” эканликларини унутмаслигимиз керак.

Истиқлол йилларида она шаҳри Бухорони зиёрат қилиш учун (1999 йил - Ш.Х.) Исройл давлатидан ватандошимиз Шайх Абдул Азиз Бухорий юртимизга ташриф буюрди.

У Иерусалим (Куддус) шаҳридаги “Байтул Мақдус” масчити қошидаги “Ўзбеклар маркази” бошлиғи бўлиб, ўзаро музокараларда Бухородаги Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳини таъмирлашда

⁵⁸ ЎзРМДА, Р-2822-Ф, 1-р, 72-х, 48-в.

⁵⁹ Ўша архив, Р-2822-Ф, 1-Р, 88-х, 45-в.

ҳомийлик қилиш, Тошкент Ислом Университетига ёрдам кўрсатиш масалаларини кун тартибига қўйди.

Хуллас, Бухородан ўзга мамлакатларга муҳожир бўлиб кетганлар имкон қадар уюшмаларга бирлашиб бир-бирларини қўллаб Бухорои - шариф фарзандларига лойик инсонлар эканликларини кўрсатдилар.

Султон Селим II (1556-1574 йй) ва унинг тадбиркор вазири Сўқули Мехмет пошо замонида Истамбулда (Туркия) уч қаватли ғишин бино: “Бухороликлар такяси” қурилган. Мусофир ўзбеклар ўша ерда яшаб, кейинчалик уй-жой қилиб чиқиб кетишган...

Туркия Республикасининг гимни “Истиқлол марши” муаллифи Мехмед Акиф Эрсуйдир. Мехмед Акиф (1873-1936 йй) турк адабиётининг йирик вакили бўлиб, у Истамбулда туғилган. Онаси-Амина Шарифа-асли бухороликлардандир. Хонимнинг эслашича, катта бобоси Ҳаким Ҳожибобо 150 йил аввал Бухородан Онатўли (Кичик Осиё)га бориб қолган экан. Шоирнинг отаси Мехмед Тоҳир ҳам Бухородан Туркияга бориб қолган тужжор бўлиб, кейинчалик мударрислик қилган.

Ш.Ҳайитов, С.Бадриддинов. Ватанжудоликнинг мунгли тарихи. “Бухоро” нашириёти. 2005. 17-18-бетлар.

III. Бухоро матбуотида муҳожирлик тарихига оид маълумотлар (“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари мисолида)

1920 –1924 йилларда яшаган Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукумати даври ўнлаб тадқиқотларга, илмий изланишларга асос бўлган. Бугунги кунда ҳам БХСР тарихига қизиқиш бир қадар бўлсада пасайган эмас. Ушбу ҳукумат олиб борган ички ва ташқи сиёsat муаммолари қанчалик тадқиқ қилинмасин, бироқ “БХСР давридаги муҳожирлик муаммолари” мавзуси ҳанузгача мустақил жиддий илмий изланишга асос бўлган эмас. Мазкур масала ҳақида фикр билдиришдан олдин таъкидлаш жоиз бўлардики, Бухоро республикаси даври тарихи янгидан ўрганилаётган бир пайтда юқорида зикр қилинган муаммони четлаб ўтиш мумкин бўлмайди.

БХСР йилларида эски ўзбек адабий тилида, араб имлосида “Бухоро ахбори” (1920 –1923) ва “Озод Бухоро” (1923 –1925) газеталари чоп этилди. Ушбу лавҳада мазкур газеталарда “Бухоро муҳожирлиги” муаммолари қайдаражада ёритилганлиги билан боғлиқ масала ҳақида фикр юритилади.

“Бухоро ахбори” газетасининг 1920 йиллардаги сонларидаёқ собиқ Бухоро амирлигининг сўнгги амири Сайд Олимхон билан бирга қўшни Афғонистон давлати ҳудудига ўтган минг–минглаб ўзбек, туркман, тожиклар ҳақида маълумотлар учрайди. Газетанинг 1923 йил 8 августда чоп этилган 211 сонида отахон адиб Садриддин Айнийнинг “Шўролар ҳукуматининг муомаласи” сарлавҳаси остидаги мақоласи босилган. Ушбу мақолада С.Айний БХСР ҳукумати хорижга ўтиб кетган амир хонадонига билдирган

муносабатни баён қиласи. “1921 йилнинг баҳорида амир қўшни Афғонистонга қочиб ўтди. Унинг ортида 100 дан ортиқ қавм-қариндошлари қолиб кетди. Ф.Хўжаев ҳукумати амирнинг оиласига ҳовли –жой, озиқ – овқат ва уст – бош берди, уларга одамдай муомала қилиб, 52 нафарини амирнинг олдига (Афғонистонга) юборди”⁶⁰ –деб ёзади ёзувчи.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари амир ва ундан кейинги даврларда Афғонистонга қочиб ўтган “туркман қочоқлари” масаласига бағишилаб ўнлаб хабар, маълумот ва мақолаларни чоп эттирган.

“1920 йилнинг кузида амир амалдорлари ва диндор руҳонийлар билан бирга собиқ Чоржўй ва Керки бекликлари ҳудудидан қўшни Афғонистонга 35 минг оила туркманлар 2 млн. сонли қорамоллари ва сон – саноқсиз қўй ва подалари билан ўтиб кетганди”⁶¹ – тарзидаги маълумот газеталарда қайта–қайта қайд қилинади. Бу маълумот Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивидаги БХСР билан боғлиқ фондлардаги ҳужжатларга мувофиқ келади.⁶²

Бухоро фуқаролари ҳисобланган туркманлар асосан Афғонистоннинг Анхўй ва Маймана вилоятларига бориб жойлашганлар.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида ёзилишича Шимолий Афғонистон ҳудудида туб жой туркманлар ҳам кўп сонли бўлиб, улар ёрдамида анчагина “туркман қочоқлари” чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланишган. Ўз хўжалигини хорижий

⁶⁰ Садриддин Айний. Шўролар ҳукумати муомаласи. “Бухоро ахбори”. 211-сон. 1923 й. 8 август.

⁶¹ “Бухоро ахбори”. 46 –сон. 1921 й. 20 июл. (Бухоро хабарлари рукни).

⁶² ЎзРМДА. 48-Ф, 1-р, 207-х. 2,3,6-в; 306-в.

давлатда йўлга қўя олмаганлар эса Бухорога қайтиш ҳаракатида бўлишади. Бироқ, Афғонистоннинг Маймана ва Анхўй вилоятларини бошқараётган маҳаллий ҳукумат мутассадилари Бухоро туркманларига жабр ўтказиб уларнинг чорва молларини тортиб олар, солик тўлаш ва афғон фуқаролигига ўтишга мажбур қилишарди. Ушбу ноинсоний муносабатга жавобан “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро” газеталарида БХСР ҳукумати идоралари (Халқ нозирлари Кенгashi, ташқи ишлар нозирлиги, Инқилобий қўмита, Марказий Ижроия Қўмита) раҳбарларининг мақолалари, фикр – мулоҳазалари ва ноталари чоп этилган. Ушбу ҳужжатлар муҳожирлик тарихини ўрганишдаги бой манбалардан бири бўла олади.

БХСР ҳукумати Афғонистон ҳукуматидан туркманларни Бухоро – афғон чагарасидан эркин ўтишлари учун шарт – шароит яратиб беришни сўрайди.

БХСР ҳукуматининг саъй – ҳаракати билан 1922 – 1923 – йилларда ҳар куни Керки вилоятига 30 оиласдан туркманларни қайтарилиши билан боғлиқ жараён уюштирилди.

Маҳмуд Саид Ахрорийнинг ёзишича: “1923 йилнинг кузига қадар Керки ва Чоржўй вилоятларига 3 минг оила туркманлар қайтарилди. Уларга ҳукумат озиқ – овқат, чорва моллари, ер – мулк бериб ёрдам кўрсатди. 1922 – 1923 – йиллар давомида Афғонистондан қайтган йўқсул туркманларга ёрдам учун 105 хўкиз, 1000 пуд мош, 4000 пуд кунжут, 5000 пуд жўхори, 10000 пуд буғдой билан ёрдам кўрсатилди⁶³”.

⁶³ Маҳмуд Саид Ахрорий. Тўртинчи инқилобий йилимиздан нималар кутамиз // “Бухоро ахбори”, 199 –сон, 1923 йил, 9 сентябр.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталаридағи “Хабарлар” рукни остидаги босилган мақолалар билан танишар эканмиз, Ватанига қайтган кўпгина собиқ муҳожир туркманлар озиқ –овқатсиз, уй – жойсиз ва мол – мулксиз қолганликларидан воқиф бўламиз.

1923 йилнинг 10 – 15 сентябрида Умумтуркман учинчи қурултойи бўлиб, ушбу анжуман қатнашчилари Афғонистондаги туркман муҳожирларини ҳеч қандай тўсиқсиз ва қаршиликсиз Бухорога қайтиб келишини талаб қилувчи маҳсус қарор қабул қилишган. Ушбу қурултой материаллари “Бухоро ахбори” газетаси саҳифаларида тўлиқ чоп этилган ва архив ҳужжатларига мувофиқ келади⁶⁴.

“Озод Бухоро” Афғонистондаги туркман муҳожирлари ҳақида ёзар экан: “1924 йилнинг баҳорида Афғонистондаги туркманларни ўз ватанига қайтариш учун маҳсус ҳукумат комиссияси тузилди. Бухоро тупроғидан Афғонистонга ўтган туркманлар ҳақида Афғонистон ҳукуматининг қилган қарорларини қарамоқ ва уларни қайтадан Бухорога келтириш чораларини кўрмоқлик учун алоҳида комиссия сайланди. Комиссияга Мирзо Абдулқодир (раисдур), Шариф Хўжа Абдулҳамид Воҳидов ҳамда Аннагелди ўртоқлар кирдилар⁶⁵” – деб ёзганди “Озод Бухоро” газетаси.

БХСР ҳукуматининг яккаю – ягона ўзбек тилида чоп этилган матбуот органи бўлган “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарини вараклар эканмиз, 1920 йиллардаги Туркистон (Бухоро) муҳожирлиги тарихига оид бой маълумотларга эга бўламиз.

⁶⁴ Бухоро ахбори, 200-сон, 1923, 17 сентябр, ЎзРМДА, 48-ф 1-р, 207 х., 306-в.

⁶⁵ Афғонистондаги туркманлар ҳақида // Озод Бухоро, 68-сон, 1924 йил, 29 марта.

Фикримиз якунида бу борада қўйидагича хулосаларга келиш мумкин.

1. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида коммунистча мафкура таъсири сезилиб туради, бироқ уларда ўрганилаётган мавзуга оид тарихий далилларнинг келтирилиши муҳимдир.
2. Газеталардаги маълумотлар тарихий жараёнлар кечган бир даврда ёзилганлиги туфайли муҳожирлик билан боғлиқ воқеалар тафсилотини кетма – кетлик ва изчиллик асосида ўрганишга имкон беради.
3. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталаридаги мақола ва хабарлар, билдириш ҳамда чоп этилган бар қатор тарихий ҳужжатлар истиқболда муҳожирлик муаммоларини батафсил тадқиқ қилишга муҳим манба бўла олиши учун тўла асос бор.

**Бухоро ҳукуматининг олғон маълумотига қараганда,
Афғонистон ҳукумати ўзининг ерига қочиб кирғон
туркманларға Афғонистон тобеълиги (фуқаролиги)ни қабул
қилинглар деб таклиф қилғон экан. Лекин туркманлар бундан
қатъий равишда бош тортганлар. Афғонистон ҳукумати
улардан давлат солиғи талаб қилғонда туркманлар ўзларини
Бухоро тобеъси деб ҳисоб қилғанликларидан Афғонистон
давлат хазинасиға ҳеч қандай солиқ тўламасликларини
билдириғонлар ва ўзларининг Ватанлари бўлғон Бухоро
мамлакатидаги янги тартибдан хабар олгандан кейин
Бухороға қайтиб келишга қарор берғонлар.**

*Бухоро ҳукуматининг Афғонистон ҳукуматига нота билан
мурожсаати. “Бухоро ахбори”. 208-сон. 1823 йил 30 сентябр.*

IV. Самарқанд соғинчи билан яшаган хориждаги самарқандликлар...

Мустабид совет ҳокимияти йилларида буюк давлатчилик ва шовинизмдан иборат юритилган ноинсоний сиёsat туфайли миллионлаб Ўрта Осиё миллати вакиллари мухожирлиқда яшашга маҳкум этилдилар. Улар орасида ўзбеклар ҳам оз сонли эмасди. Хориждаги ўзбеклар ўзлигини унутмаслик ва асл Ватанлари Ўзбекистон эканлигини хотирлаб туриш мақсадида ўз исм-шарифларидан сўнг “Туркистоний”, “Бухорий” атамаларини қўшиб айтишга одатланганликлари олдинги бўлимларда эслатилди. Кўпгина миллатдошларимиз ўzlари таваллуд топган шаҳар ёки тарихий жойни исм-шарифларидан кейин қўлладилар. Ортда қолган XX асрда хорижнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида (МДҲ ва Болтиқбўйидаги республикаларда истиқомат қилаётган миллатдошларимиз бу ҳисобга кирмайди - Ш.Х.) минглаб “Фарғоний”, “Андижоний”, “Намангоний”, “Тошкандий”, “Насафий”, “Бухорий”, “Марғиноний”, “Урганжий”, кабилар умргузаронлик қилиб ўтдилар. Улар орасида “Самарқандий”лар ҳам кўп сонли бўлиб, ўз вақтидаёқ “темир қафас”, “ёвузлик салтанати” деб аталган СССР тоталитар тартиблари туфайли Ватанинг бир кафт тупроғига етолмай ҳаётдан армон билан кўз юмганлар сон-саноқсиз эди. Хорижда истиқомат қилган кўпгина **самарқандликлар** учун ҳар қандай бойлик, мол-мулк ва фаровон турмуш ҳам Ватан мұхаббати ўрнини боса олмади. Чет элда таваллуд топган ўзбекларнинг фарзандларидан бири республикамиздаги **Самарқанд**, Тошкент, Бухоро, Андижон ва Фарғона шаҳарлари бўйлаб саёҳат қиласар экан: “Эй, Ватан! Сен аввало ўзингда “Ватан”

деган маънони жамлаб, қалбимга туйғу бўлиб ўрнашиб олдинг, кейин мисоли осмондаги нурдай вужудимни қопладинг, шу тариқа бадан-баданимга сингиб кетдинг, қонимга ўрнашиб олиб унга ўз муҳрингни босдинг. Шу тариқа сен ўз табиатинг, шаклингни менга ва мен орқали болаларим чеҳраларига бердинг”⁶⁶ – деб фикр билдирганди.

Бир қатор ўзбек муҳожирлари ота-оналари уларга: “Ҳеч қачон юртларингни, тилларингни унутманглар. Чунки тилни унутган Ватанни унатади. Ватанни унутган эса имонни унатади”, деб насиҳат қилганликларини хотирлайдилар⁶⁷.

Ҳақиқатан ҳам Ватан – муқаддас даргоҳ. Ватан – бу илдиздир. Бир неча асрлар олдин ушбу заминдан мажбуран кетганларнинг фарзандлари ҳам илдизга қараб интилади. Чунки уларга куч-қувват ва илҳом берувчи, ирода ва матонат ато этувчи, қолаверса кўкартувчи, яшнатувчи илдиз - ота-боболар, аждодлар заминидир. Таниқли адаб, урду тилида ижод этиб дунёга машҳур бўлган Мирзо Абдуллохон Голиб замона зайли билан XVIII асрда **Самарқанддан** Ҳиндистонга бориб навкарлик қилган Кўқонбекхоннинг ўғли Абдуллабекхоннинг наберасидир. Шунинг учун Мирзо Голиб ўз шеърларидан бирида:

“Ғолибни ким десангиз Турон тупроғиданман,

Самарқандлик миришкор дехқон қароғиданман”⁶⁸ - деб ёзади.

Ибратли оталарнинг яхши хусусиятлари, ватанпарварлик туйғулари улар болалари орқали умрбоқий бўлиб қолди. Отаси асли **самарқандлик** бўлган, ўзи Туркияда дунёга келган Элтуғ Улуғтуғ оқиллик, билим ва сухандонликни қадрлайдиган отаси ҳақида:

⁶⁶ Ўзбекистон адабиёти ва санъати 1984, 27 апрел.

⁶⁷ Зоҳидов Н. Дўстликка хизмат қилсин. // Коммуна, 1990 йил, 2 июн.

⁶⁸ Дадаҳон Нурий. Табани ён дафтарига ёзувлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991. 1 ноябр, Амир Файзулло, Ўзим туркзодаю наслимда туркзод.// Жаҳон адабиёти. 1997. №5. Б. 138

“Отамнинг табиатан гўзаллик шайдосилиги, билимдон ва сиполиги менга кўп нарса берган. Улуғбекнинг, Али Қушчи ва бошқа донишмандларнинг шахри бўлган **Самарқанд**, яъни отам туғилган жойнинг гўзаллигини, илм-фан ривожини кўрмоқлик мен учун ота васиятидир. Чунки мен Ўзбекистонни отамнинг тимсолида кўрдим”⁶⁹ - деб ёзади Ўзбекистонга йўллаган мактубларининг бирида.

Шуни қайд қилиш ўринли бўлардики, совет ҳукумати йилларида турли сабабларга кўра хорижий элларга сайёҳ бўлиб борган юртдошларимиз ҳам ўzlари учрашган мамлакатлардаги ҳар бир ўзбекда она-юрт меҳри, Ватанга интилиш туйғуси, кўп ҳолларда сўз билан ифодаланадиган даражадан ҳам устун эканлигининг гувоҳи бўлганлар. Фикримизнинг исботи сифатида **Самарқанд** билан боғлиқ бир тарихий – хотиравий далилни келтириб ўтишни лозим деб топдик.

1990 йилда Сурия Араб Республикасида (САР) ижодий сафарда бўлиб қайтган шоира Умида Абдуазимова шундай ҳикоя қилганди: “Сафар кунлари юртдошларимиздан бирини учратиб қолсам деб, бир кийимлик атлас, Алишер Навоий ва Саккокийларнинг шеърий тўпламларини ўзим билан олиб борган эдим. Дўкондорлардан бири мени учратиб ёнидаги расталарни кўрсатдида: “Уларга ҳадя қил, улар **самарқандлик** бўлади” – деди. Дастлаб эътибор бермаган эканман. Мен қайта-қайта ўтган кўчадаги расталарнинг пештоқига **“Самарқанд”** деб ёзиб қўйилган экан. Ҳаяжон билан бош сукдим. Мумкинми? - деб сўрадим, мумкин, мумкин деб ўринларидан туришди – бир-бирларига ўхаш қора қош, қора кўз икки ака-ука. Бу

⁶⁹ “Ватандош” радиостанцияси жорий архиви материаллари 1986, 1 жилд, Б. 3

икки ўғлон бизни бобоси ва отасининг ютидан эканлигимизни билиб боши осмонга етди, меҳмон қилишди. Суҳбатда: “Ҳамма нарсамиз бор, аммо бобомиз ҳам ўтган йили (1989 йил – Ш.Х.) отамиз ҳам оламдан ўтдилар. Ҳар икковлари ҳам 20 кундан ўзларини билмай ётдилар. Ҳали ёшлиқдаги жўралари (тенгдош ўртоқлари) билан суҳбатлашдилар, ҳали хаёлларида шифтга ин қўйган қалдирғочлар ҳақида қайғурдилар... отамнинг олдиларига кириб ким билан гаплашаяпсиз дада, бу ерда ҳеч ким йўқ-ку, дедим. Улар эса мени жеркиб бердилар. “Нега йўқ бўлар экан, қара кўчамиздаги тут дарахтини. Болалар териб есин уларни, чодир солиб қўй. Ана эртанги ўрик ҳам оқариб қолибди. Отам билан бир пақир қилиб териб амакимникига олиб борамиз. Амаким менга ёнгоқ қоқиб берадилар. Хуллас, **Самарқандда** юрдилар, шу кунларда **Самарқандни, самарқандликларни** кўрдилар. Бобом ҳам шундай, “бир кун бориб кўрарсизлар **Самарқандни**. Ўшанда биласиз бобонгиз ҳам, отангиз ҳам туғилган жойларнинг қандай жаннатлилигини”⁷⁰ – деб ҳаётдан кўз юмган эдилар.

Истиқлолнинг ортда қолган зафарли йилларида озод ва ҳур Ўзбекистонни бир бор кўриш, ота-боболари ютини зиёрат қилиш армонида яшаган минг-минглаб муҳожир ўзбеклар ўзларининг орзу-умидларига эришдилар. Айтиш мумкинки, меҳрга тўла қалблар туташди, армонлар доғи ювилди. **Самарқандни** бир бор кўриш илинжида дунёдан кўз юмган, турли мамлакатларда яшаб оламдан ўтган миллатдошларимизнинг истак ва васиятларини адо этиш уларнинг фарзандларига насиб этди. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоиз

⁷⁰ “Ватандош” радиостанцияси жорий архивидан олинди. 1990йил, 7 июндаги “Ватан меҳри” рукнидаги “Сурияга сафар” номли эшиттириш материаллари. Б. 7-11

бўлардики, Ватанда яшаб Ватан меҳри ва туйғусидан узоқ бўлишдан кўра ўзга юртларда бўлса ҳам умргузаронлик қилиб Ватан муҳаббатини қалбда асраш ва авайлаш юз чандон афзалдир.

“Мен Ўзбекистонни 8 ёшимда тарқ этганман. Шундан буён ўлкам кўз ўнгимда дунёниг энг гўзал жаннати сифатида ҳар доим гавдаланади. Мен кўп ўлкаларни кездим, лекин Ватаним хақида ўйлайман. Бизга тақдир шуни раво кўрган экан, нима ҳам қиласардик. Муаллифини билмайман, лекин мана шундай тўртлик бор:

**Ғурбатда агар етса ўлим гул баданимға,
Қабримни қазиб нашимни юлса кафанимға,
Тобутим юксак ера бир лаҳза қўйинглар,
Шояд етишур бўйи Ватан бу жасадимға”**

Мўминжон Андижоний. Саудия Арабистони, 1963 йил 19 августда Ўзбекистонга ёзилган мактубдан парча. ЎзРМДА. 2661-ф, 1-р, 106-ҳ, 39-40-варакларда.

V. Хориждаги ўзбек маъданшунос олими.

Тарихдан маълумки мустабид совет тузуми ҳукмронлик қилган йилларда, айниқса XX асрнинг I – ярмида минг-минглаб ўзбек миллати вакиллари хорижда яшашга маҳкум этилдилар. Муҳожир ўзбеклар собиқ СССР парчаланганидан сўнг дунё сиёсий харитасида вужудга келган янги давлатларни ҳисобга олмаганда “узоқ хориж”нинг 33 дан ортиқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетдилар. Юқорида баён қилинганидек “Ўзбек диаспораси” вакиллари орасидан дехқон, чорвадор, ҳунарманд уста, ишчи, тижоратчи, майший хизмат соҳаси ходимлари, диний уламолар билан бирга бир қатор дунёвий фанларнинг билимдонлари, олим ва зиёлилар етишиб чиқди.

Улардан филология профессорлари: Бурхон ал-Бухорий (Сурия Араб Республикаси), Темур Хўжа Усмон Хўжа ўғли (Туркия Республикаси), ҳуқуқ профессори Шоҳмурод Илҳом (Германия), нейробиолог, тиббиёт соҳаси профессори Ҳасан Парвес ал-Бухорий (Франция), антрополог олим, профессор Муҳиб Назиф Шаҳроний (АҚШ) кабиларнинг номи қўпчиликка танишдир.

Таъкидлаш жоизки, асли ота-бобоси самарқандлик бўлган Хорун Тожиев биринчи жаҳон уруши йилларида (1914-1918) бедарак йўқолган отасини қидириб волидаи-муҳтарамаси билан бирга Европа сафарига чиқади. Она-бона дастлаб Бельгия давлатида истиқомат қилишди. Ушбу мамлакатда ёш Хорун маъданшунослик, ер ости жинсларини ўрганиш соҳаси билан қизиқиб қолади. Кейинчалик Франция пойтахти Парижга кўчиб ўтган Хорун Тожиев ушбу

жаҳонга машҳур шаҳарда дунёда биринчилардан бўлиб “вулқоншунослик” соҳасига асос солди.⁷¹

1922-1923 – йилларда БХСР, ХХСР ва Туркистон АССР ҳукуматлари истиқболни ўйлаб маҳаллий миллатларнинг вакиллари орасидан иқтидорли ёшларни танлаб, Германия, Туркия, Япония каби мамлакатларга ўқиш учун юборишиган. Бироқ совет ҳукумати 1924 йилдан бошлаб юқоридаги республикаларни тугатиб, улар томонидан ўқишига юборилганларни ортга қайтариш ва охир-оқибатда собиқ талабаларни “Ватан хоини” сифатида маҳв этиш сиёсатини юритди. Ўзбекистонга қайтмай хорижий Германияда қолиб кетган 14-16 нафар Ўзбекистон талабалари немислар ютидаги олийгоҳларни битириб Туркия Республикасига кўчиб ўтдилар.

1926-1930 йилларда Германиядан Туркия Республикасига кўчиб ўтган ўзбек зиёлилари ушбу мамлакатнинг бир қатор олийгоҳларида фаолият юритиб, фаннинг турли соҳаларида йирик муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Фан докторлари, профессорлар даражасига эришган Сайдали Анқара, Иброҳим, А.Ёрқин, Тоҳир Чифатой, Мажид Ўқой, Саида Ўқой, Аҳмаджон Иброҳим Ўқой кабилар Истанбул ва Анқара университетларида физика, менерология, қишлоқ хўжалиги, тил, тарих, социология, география каби фанлардан талабаларга сабоқ бердилар, ўнлаб илмий асарлар яратдилар. Улар учун тадқиқот обьекти ота-боболар юти: “Ўзбекистон масаласи” бўлди, десак хато бўлмайди. Иброҳим Ёрқин “Кивиржак” зотидаги қўчкорлар турини

⁷¹ Ҳайитов Ш. Собиров Н. Легай А. Хориждаги ўзбеклар. Т., Фан: 1992, Б. 94, “Ватандош” радиостанцияси жорий архиви, 1984, 15 апрел, 1 папка, Б. 3.

яратди. У фалсафа, иқтисод ва социология соҳаларида ҳам асарлар ёзди, ҳамда 1939-1948 йилларда Туркия Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлигида ишлади. Тоҳир Чифатой “Қизил империализм” номли етти китобдан иборат “Туркистон библиографияси”ни тузди. Мажид Ўқой амалий кимё соҳасида бир қатор кашфиётлар қилиб, ўнлаб олий малакали мутахассислар етиштиришдек хайрли ишга ҳисса қўшди. Тоҳир Чифатой 1931 – йилдаёқ “Туркистоннинг ер ости бойликлари” номли китобини чоп эттирганди.⁷²

Юқоридаги маълумотларни келтиришдан мақсад Германиядан Туркияга бориб бир умр яшаб қолган собиқ талабалардан бири Аҳмаджон Иброҳим Ўқой ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтишдир. Аҳмаджон Иброҳим ўғли 1900 йил 10 октябрда Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси кўнчилик фабрикасига эга бўлган тижоратчи Иброҳим ҳожи Каримбоев бўлиб, онаси ҳунарманд оиласидан Исматуллоҳ қизи Сифатхонимдир. У илк ва ўрта маълумотни Тошкентда олди. Германия сафарига қадар Аҳмаджон Иброҳим 1907 – 1910 йилларда бошланғич мактабда, 1910 – 1911 йилларда мадрасада, 1911 – 1914 йилларда рус-тузем мактабида ҳам ўқиган. 1922 йилда эса бир гурух ёшлар билан олий маълумот олиш учун Берлин (Германия)га юборилган эди. Бу ҳақда Аҳмаджон Иброҳим ўз қўли билан 1941 йилда ёзган “Таржимаи ҳол”ида: “Туркистондан Германияга 74 талаба ўқишга юборилди. Германияга юборилган талабаларнинг 56 таси Бухоро

⁷² Қаранг. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар... Т., Фан, 1991, Б.62-68.Шу муаллиф. Олмониялик Туркистонлик талабалар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 16 апрел, 1993, 28 май. Шу муаллиф. Туркистон ташқарисидаги турклар библиографияси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 7 август. Шу муаллиф. Узбекистанские “невозвращенцы”. // Звезда Востока, 1993, №7.

жумҳуриятидан, 16 таси Туркистон жумҳуриятидан, 2 та талаба Хива жумҳуриятидан эди”⁷³ - деб ёзган эди. Туркистонлик талабалар қаторида Германия пойтахти Берлинга юксак орзу-умидлар билан етиб келган А.Иброҳим немис тилини иштиёқ билан ўрганади. У кўп ўтмай Германия Олий техника мактабининг I курсига ўқиш учун қабул қилинди. 1926 йилда А.Иброҳим билан бирга Берлин Олий техника мактабида Саидали Усмоний, Абзал Абдусаид, Билол Фатҳулла, Султон Матқул, Тўлаган Мўмин, Атаулла Садриддин, Собир Иброҳим каби ватандошларимиз таҳсил олишганди.⁷⁴ Техника дорилфунунининг маъданчилик бўлимида аъло баҳоларда таҳсил олган Аҳмаджон Иброҳим 1930 йилда ўқишни тугаллайди.

1923 йилда Берлинда “Туркистон талабалари уюшмаси” (кейинчалик “Ўрта Осиё талабалари иттифоқи”) тузилиб унинг аъзолари “Кўмак” номли журнални чоп эттирдилар. Ушбу журналнинг 1-сонида Аҳмаджон Иброҳим “Техника ва биз” номли мақола билан чиқиб: “Туркистон каби маъдан ва ўсимликларга бой ўлканинг оғир аҳволи, унда ҳамон замонавий завод ва фабрикаларнинг камлиги, уларни бошқарувчи олий малакали миллий кадрларни етишмаслигидир”⁷⁵ – каби ўз даври учун ҳақли фикрларни баён қилганди.

1933 йилда А.Иброҳим геология соҳасида олиб борган илмий изланишларининг натижаси ўлароқ докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. 1934 йилда у Туркия Республикасига кўчиб ўтади ва ўзига “Ўқой” деган туркча фамилия олади. Чунки ўша

⁷³Иброҳимов А. Тошкентнинг бир япроги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 28 май.

⁷⁴ Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар... Т., Фан. 1991, Б.14.

⁷⁵ Турдиев Ш. Олмонияда Туркистонлик талабалар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 16 апрел.

пайтда Туркия ҳукумати ушбу мамлакатда доимий яшаб қолган, турк фуқаролигини қабул қилган бошқа миллат вакилларининг барчасига туркча фамилия олиш билан боғлиқ шарт қўювчи қонун (1935йил - Ш.Х.) қабул қилган эди. “Ўқой” - бу ўқ ва ёй (ої) қўшилишдан иборат маънони англатган. Аҳмаджон Иброҳим Ўқой Истанбул дорнилфунунининг “Фанлар факультети” қошидаги “Геология институти”да Туркияга кўчиб ўтган 1934 – йилдаёқ иш бошлайди. Ушбу илм даргоҳида унга самарали меҳнати туфайли аввал доцентлик, кейинчалик профессорлик илмий унвонлари берилади. А.Иброҳим ушбу даргоҳда талабаларга минерология, петрография, қўмир петрографияси, умумий геология ва маъдан конлари мутахассисликлари бўйича маъruzалар ўқиди, амалий машғулотлар ўтди. Узоқ йиллар давомида у тарбиялаб етиштирган маъданшунос олим, малакали мутахассислар ва илмий ходимлар Туркия Республикаси тоғ-кон саноати ривожига бекиёс ҳисса қўшдилар. А.Иброҳим Ўқой ўзбек тилидан ташқари араб, форс-тожик, рус, олмон, турк ва инглиз тилларини ҳам пухта биларди. У ўзининг геология ва маъданшуносликка бағишлиланган дарслик ва ўқув қўлланмаларини, ўнлаб илмий мақолаларини турк ҳамда олмон тилларида ёзди. У туркология ва сиёsatшунослик билан ҳам шуғулланиб, Анвар пошо ва Амир Темурга атаб китоблар ёзган. Бироқ ушбу нашрлар билан биз ҳанузгача таниш эмасмиз.

Аҳмаджон Иброҳим Ўқой 1991 йилда вафот этди ва Истанбулдаги Аранқўй қабристонига дафн этилди. Унинг қабри устига хотира лавҳа тоши ўрнатилган.

Имкониятдан фойдаланиб А.Иброҳим Ўқойнинг оилавий ҳаёти ва оиласи ҳақида ҳам маълумот бериб ўтишни лозим топдик. А.Иброҳим Ўқой ўз ҳаёти давомида икки бор уйланган. Унинг биринчи рафиқаси Шарлотта Сталтер исм-шарифли аслзода немис аёли бўлиб у билан 1934-1939 йилларда яшаган. Ш.Сталтер Ўқой оғир касалликдан вафот этгач А.Иброҳим 1949 йилда, яъни 10 йилдан сўнг турк миллати вакиласи Невин Ирдем (Невин Ўқой - файласуф) билан турмуш қуради. Улардан уч ўғил дунёга келиб, Ўрол 1953 йилда, Тўғрул 1954 йилда, кенжা фарзандлари Ўғуз 1955 йилда туғилишган. Тўғрул шифокор, Ўғуз кимё мухандиси касбини эгаллаган ва ушбу соҳада самарали иш олиб бораяпти.

А.Иброҳимнинг тўнғич ўғли Ўрол Ўқой отаси изидан бориб Лондон (Буюк Британия) дорилфунунида маъданшунослик бўйича илм олди. У Англияning Кембриж дорилфунунида маъданшунослик фанлари бўйича илмий даража олган. 1980 йилда Туркияга қайтган Ўрол Анқарадаги маъданшунослик – қидирув идорасида ишлаган. Бугунги кунда у Истанбул техника дорилфунунининг маъданшунослик мухандислиги кафедрасида ассосиэйт – профессор лавозимида ишляяпти. Ўрол Ўқой отаси А.Иброҳим Ўқой сингари маъданшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораяпти ва илм толибларига ушбу соҳадан таҳсил бераяпти.

Биз мазкур машқимиз орқали Туркияда бир умр яшаган, ҳаётини маъданшунослик илми ривожига бахшида қилган биргина миллатдошимиз Аҳмаджон Иброҳим Ўқой ҳақида муҳтасар ҳикоя қилдик. Ҳолбуки, А.Иброҳим сингариларнинг ҳаёт йўли ва фаолият тарихи алоҳида китобот қилинишига арзигуликдир. Маъданшунос

олимнинг асарларини ўрганиб улар орқали тегишли хулосалар чиқариш вазифасини бажариш эса истиқболдаги тадқиқотлар зиммасида.

Германияда Туркистондан 11, Бухородан 47 талаба бордур.

Туркистонликлар ичида 7 таси ўзбек, 4 таси қозоқ-қирғиз, бухороликлардан 35 таси ўзбек, 6 таси тотор, 5 таси туркман ва 1 та қозоқ-қирғиз... Бухоролик талабалар қуийдагича тақсим қилинғонлар: Берлин Дорулфунунида 7 та бухоролик талаба ўқиб, 7 таси 7 факультетда, яъни тиб, фалсафа, иқтисодий-сиёсий, олий ҳунар мактаби электрик, олий қишлоқ хўжалик ва бошқа мактабларда ўқийдурлар. Буларнинг биттаси бу йил Дрезден шаҳрида олий техника мактабининг машиначилик шўъбасига кирадур. Куслин шаҳридаги давлат таълим ва тарбия (педагогика) ўқув юртида, Бранденбург ва Дрезден шаҳарларидағи таълим-тарбия дорулилмида 19 та талаба ўқийдилар. Баденгаузен ва Гольштейн олий қишлоқ хўжалик мактабида 5 киши илм таҳсил қиласур. Фрайбург (Саксония)даги кўн-тери ишларида 2 та бухоролик, Лейпциг шаҳрида матбаачилик мактабида-2, Бранденбург дорихона ишлари мактабида-1. Машина тузилиши корхоналарида амалий тадқиқот ва тажрибада-6 та киши. Ўрта мактабларда-6 та киши, Хайдельдорфдаги болалар юртида 1 та бухоролик бор.

Турор Рисқулов. Германияда Ўрта Осиё талабалари. “Озод Бухоро”. 25-сон. 1923 йил 16 декабр.

VI. Хориждаги ватандошлар мурувати.

Ўзбек халқига хос бўлган хислатлардан бири муруватли бўлиш, яъни қўли очиқлик ва имкон қадар моддий–маънавий дарддошликка интилишдир. Миллатдошларимиз тақдир тақозоси билан дунёнинг қайси бир мамлакатида истиқомат қиласинлар ўзбекона урф-одат ва анъаналарини, ота-боболаридан мерос бўлиб қолган муруватли бўлишликни сақлаб қолдилар ҳамда келажак авлодларга хайр – саховатли бўлишдек олийжаноб хислатларни сингдирдилар.

Собиқ СССР парчаланиши арафасида ва Республикамиз истиқлолга эришган дастлабки йиллардаги моддий қийинчиликлар, маънавий эзилишлар бугунги авлод хотирасидан кўтарилиган эмас. Шундай оғир дамларда ўнлаб хориждаги мамлакатларда истиқомат қилаётган, қалбида инсоф ва диёнат бор муҳожир ўзбеклар ўз аждодлари Ватанига имкон қадар ёрдам қўлини чўздилар.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида АҚШ, Германия, Саудия Арабистони, Туркия, Афғонистон, Сурия Араб Республикаси каби мамлакатлардан Ватанимизга ташриф буюрган хорижлик ўзбеклар ночор ва кам таъминланган оилаларга, шифохоналардаги беморларга, болалар уйи тарбияланувчиларига ўз шахсий жамғармаларидан маълум миқдорда маблағ билан ёрдам кўрсатдилар. Саудия Арабистонида истиқомат қилган ўзбеклардан бири 1990 йилда ўз шахсий ҳисобидан 200 та ўзбекистонлик болани боқиши истагини билдирган эди. Иккинчи бир ватандошимиз 40 тагача ўзбек ёшларини Шарқ мамлакатлардаги университетларда ўз маблағи ҳисобидан

ўқитиши тақлиф этганди. Туркиялик тижоратчи, ўзбек Обид Ойнарул 100 тонна озиқ-овқат маҳсулотларини 1990 йилда Ўзбекистонга юборди.⁷⁶ Ушбу рўйхатни давом эттириш мумкин. Хориждаги сармоядор ўзбеклар Ўзбекистондаги масжид ва мадрасаларни таъмирлаш, кўхна тарихий обидаларимизни тиклаш, зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларимизни янгидан қуриш ишларига хайр – эҳсон қилдилар.

1999 йилнинг апрелида Исройл давлатидан ватандошимиз Шайх Абдул Азиз Бухорий Ўзбекистонга ташриф буюорди. У Иеруссалим (Қуддус) шаҳридаги “Байтул Мақдус” масжиди қошидаги “Ўзбеклар маркази” бошлиғи бўлиб, расмий идораларнинг вакиллари билан ўзаро музокараларда Бухородаги Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳини таъмирлашда ҳомийлик қилиш, Тошкент Ислом Университетига ёрдам кўрсатиш масалаларини кун тартибига қўйди.⁷⁷

Республикамиз мустақиллиги йилларида: (1997-2002 йиллар) 200 га яқин хорижлик ўзбеклар Ўзбекистонга кўчиб келишди. Таъкидланган даврда 1000 нафардан ортиқ муҳожир ўзбек вакиллари Ўзбекистонда бўлди. Хориждаги ватандошлар таъсисчилигида “Олтин камалак”, “Голден винг”, “Тўра Интернешнл”, “АТМАСК”, “Ҳамидзода ЛТД”, “Қуёш”, “Баракат Ко.ЛТД”, “Уитно” каби 15 тадан ортиқ қўшма корхоналар, хусусий чет эл фирмалари иш бошлади. Ушбу корхоналарда 1000 дан ортиқ ўзбекистонликлар яхши маошли иш жойи билан таъминландилар. 12 млн АҚШ доллари миқдорда

⁷⁶ ЎзРМДА, Р-2822-Ф, 1-р. 89-х, 50, 51, 52, 53-в

⁷⁷ “Ўзбекистондаги хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши”, “Ватандошлар билан алоқа боғлаш депортаменти” жорий архиви. 1999 йил, папка № 5, Б.9

конвертация талаб қилмасдан Ўзбекистонда қолиш шарти билан чет эл валютаси олиб кирилди. Хорижлик ўзбекларнинг корхоналарида асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланилиб, улар янги, замонавий Европа технологияларини жорий қилдилар.⁷⁸ Хориждаги ўзбеклар Ўзбекистон тери ошлаш саноати, дори-дармон ишлаб чиқариш, паррандачилик, озиқ-овқат саноати, майший хизмат кўрсатиш тармоқлари, тижорат-коммерция соҳаларида ўз фирмалари орқали фаолият кўрсатганлар.

1940 йилда Афғонистон пойтахти Кобулда таваллуд топган, Туркия Республикасининг фуқароси бўлган Насруллоҳ Тўра, Саид Махмуд Тўра 1996 йилда “Тўра Интернешнл” хусусий фирмасини Ўзбекистонда расмийлаштирганидан сўнг Республигадаги бир қатор театрлар, ногиронлар жамияти ва санъаткорларни ҳомийликка олди. Зухриддин Туркистоний, Сафохон Тўра, Мўминжон Андижоний (Саудия Арабистони) лар 1998-1999 йилларда Республика гемотология ва қон қуиши илмий институти қошидаги болалар шифохонасига кийим – кечаклар, идиш – товоқлар, болалар ўйинчоқлари, ҳаммаси бўлиб 2500 АҚШ доллари микдоридаги совғалар тақдим этдилар. Улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигига қарашли 24-болалар уйига ҳам 100000 сўмлик совғалар харид қилинди. Жумладан, 1 қоп ун, 7 дона темир баклар, кўз ойнаклар болалар уйига ҳадя этилди. Ватандошларимиз Тошкент шаҳри Қора Қамиш даҳасидаги ветеранларга ҳам хайр-эҳсон кўрсатдилар.⁷⁹

⁷⁸ Ўша жойда, 1997-2002 йилги ҳисоботлари; Б. 3,5,7,11,12

⁷⁹ Ўша архив 1998-1999 йил ҳисоботлари. Б. 4-5

1995-2005 йилларда хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга ташриф буюрган мұхожир ўзбеклар ўз муруватларини ота-боболари юртидан аямадилар. Саудия Арабистонилик Абдуллажон Туркистоний “Ўзбекистон” журналини чоп этишдаги қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида 2000 –йилда ушбу журнал таҳририятига 80000 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатди. АҚШдаги Туркистонликлар Америка Ассоциацияси (ТАА) раиси Нўймон Ўқиён ва унинг ноиби Лутфулла Тўралар Тошкентдаги “АТМАСА” фирмаси раҳбари, хорижлик ўзбек Муҳаммад Довуд Одилхон билан бирга “Ватан” департаментига 2003 йилда 6 дона нархи 2300 АҚШ доллари миқдорида баҳоланганд “Pentium” компьютерларини совға қилди. Абдуманон Кескин бундан олдин ҳам Тошкент вилояти, Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғидаги болалар уйига Вашингтондаги ватандошлар (АҚШ) номидан 1 дона “LG” русумли рангли телевизор, 200 комплект қўрпа-тўшак, ёстиқ ва чойшаблар, 200 донадан коса ва идиш-товоқлар, қошиқ ва вилкалар ҳадя этган эди.⁸⁰

Маълумки, 1998 йилда Фаргона вилоятининг Шоҳимардон мавзесида табиий оғат рўй бериб, бу ердаги аҳоли каттагина зарар кўрган ва азият чеккан эди. Ушбу нохуш ҳолат ҳам мұхожир миллатдошларимизни бефарқ қолдирмади. ТАА (АҚШ, Нью-Йорк) раиси Нўймон Ўқиён ва ишбилармон Сафохон Тўра (Туркия) лар ташаббуси билан 2,5 тонналик кийим – кечак, озиқ – овқат, дори –

⁸⁰ Ўша архив, 2002 йил ҳисоботи. Б. 2

дармонлар гуманитар ёрдам сифатида Шохимардонликларга етказилди.⁸¹

Президентимиз истиқлолнинг дастлабки кунларида Саудия Арабистонидан Ўзбекистонга ташриф буюрган мухожир ўзбек Абдулла Андижоний билан сұхбатда: “Мен сизларнинг борлигингиздан, мавжудлигингиздан қувонаман, ҳар бир ташрифингиздан бошим осмонга етади. Ўзбекистон сизларни кидир, унинг ахолиси сизнинг қариндош-уруғларингиздир”⁸² – деган тарихий фикрларни билдирганди. Юртбошимизнинг ушбу сўзларини қалбида саклаган, иймон ва эътиқоди мустаҳкам хорижлик Ватандошларимиз Ўзбекистон қувончини ўзларининг қувончи, Ўзбекистон дардини ўзларининг дарди сифатида қабул қилдилар десак хато бўлмайди.

Биз кўрдик, кўп кезиб, сендан ҳам ўзга,

Ўлкалар бор буюк, қомати чаман.

Аммо ҳеч биттаси ўхшамас сенга,

Тортолмас сен каби ўзига томон.

Сенга, эй она-юрт соғинчли салом,

Севган севилган қалблардан салом.

Эргаш Булоқбоши (АҚШ, Нью Йорк). “Ватанга салом” шеъридан.

⁸¹ Ўша жойда, 1998 йил хисоботи, Б. 7

⁸² Абдулла Андижоний. Дардингни олай Ўзбекистоним // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 йил ноябрь

VII. Амир Сайд Олимхоннинг муҳожирликдаги қисмати тадқиқотчилар талқинида

Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдори Сайд Олимхон (1881-1944, 1910-1920) ва унинг тарихий тақдири ҳақида истиқлолнинг ортда қолган йилларида талайгина мақола ва асарлар яратилди. Таъкидлаш жоизки, Амир Олимхоннинг сиёсий қиёфаси ва унинг хаёт йўлини яратувчи тадқиқотлар бевосита Ватанимиз тарихига оид бўлган муҳим жиҳатларни ҳам ўрганишга хизмат қиласди.

XX асрнинг биринчи чорагида Зарафшон воҳасида ва бутун Туркистон миңтақасида кечган сиёсий жараёнларда Амир Олимхонга дахлдор бўлган масалалар ҳам қараб чиқилмоқда.

Ушбу кичик тадқиқотда ота-боболаридан мерос бўлиб қолган, тахти ва она Ватанидан жудо бўлган, бир умрга муҳожирликка маҳкум этилган Амир Сайд Олимхон ҳақида, айтиш мумкинки “олимхоншунослик”ка оид ишлар тўғрисида бир қадар фикр юритилади. Ушбу мавзу мазмунини ёритишга хизмат қиласдиган ўнлаб китоб ва тадқиқотларни санаб ўтиш мумкин. Аввало, амирнинг бевосита ўзи томонидан ёзилган “Бухоро ҳалқининг ҳасрати тарихи” ва Ўзбекистон тарихининг совет даври ҳақида маълумот берувчи бир қатор нашрларни қайд қилиш ўринли бўларди.⁸³

Амир Олимхон ўзининг эсдаликларида Афғонистон ҳудудига ўтишининг сабаблари, афғон амири Омонуллахон (1919-1929) ҳузурида Кобул шаҳрида бўлганлиги, мужоҳидлар ҳаракатига

⁸³ Амир Сайид Олимхон. Бухоро ҳалқининг ҳасрати тарихи. Т.: Фан. 1991, Б. 31 Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида (2 китоб) // тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқ. Ташриф ҳайъати: А.Азизхўжаев (раис) ва бошқ. / Т.: “Шарқ”, 2000. Б.250-251. Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб) Андижон - 2004, Б.278-285.

раҳбарлик қилғанлиги, халқаро ташкилотларга ҳамда йирик давлатларга қизил армияга қарши курашда ёрдам сўраб қилган мурожаатлари билан боғлиқ маълумотларни келтиради. Амир 1921 йилнинг 4 март куни Тожикистоннинг Кўлоб вилоятига қарашли Вахш дарёсининг Чубек ирмоғидан ўз ортидан 200-250 минг (50 минг оила) ўзбек ва тожикларни эргаштириб қўшни Афғонистон ҳудудига ўтади. 1920 йилларда амирликни Керки ва Чоржўй бекликларидағи 35 минг оила туркманлар ҳам 2 млн. бош чорва моллари билан қўшни давлат ҳудудига ўтиб кетишган.⁸⁴

Амир Олимхоннинг Афғонистон давлатига муҳожирликка кетиши сабаблари, яъни айнан ушбу ҳудудни танлашидаги омиллар ва амирнинг бундан кейинги ҳаёт йўли, ўша пайтдаги сиёсий вазият каби масалалар тадқиқотчилардан К.Н.Абдуллаев, Б.С.Бойко, Мир Ғулом Губор, Қ.К.Ражабов, Сайид Мансур Олимий ва ушбу китоб муаллифининг илмий изланишларида⁸⁵ бир қадар баён қилинган.

Юқорида номлари зикр қилинган муаллифлар Амир Олимхоннинг Афғонистонга ҳижрати қизиллар ҳужумига бардош беролмаганлиги туфайли келиб чиққанлигини далиллайдилар. Айниқса, К.Н.Абдуллаев хорижий манбаларга таянган ҳолда амир

⁸⁴ Афғонистондаги туркманлар ҳақида // Озод Бухоро. 68-сон, 1924 йил, 29 март, ЎзРМДА. 48-Ф, 1-Р. 7-в.

⁸⁵ Абдуллаев К.Н. Из истории Бухарской послереволюционной эмиграции.(Историографии проблемы) //Общественные науки в Узбекистане. 1990 №4 С.47-53. Он же: Бухарская послереволюционная эмиграция (к историографии проблемы) // В сб: Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: Теория , проблемы, перспективы изучения; Т: Фан; 1991. С. 187-196 Бойко Б.С. Среднеазиатское эмиграция в Афганистане в 20е с начале 30х годов XX века //Ўзбекистон тарихи, 2004 №3, Ражабов Қ.К. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш Т. Маънавият.2002.142бет. Шу муаллиф: Юрт дийдорига талпиниб...// Ўзбекистон овози,1996; 25 октябрь. Мир Гулям Губар Афганистан на пути истории.М.;Наука. -1986, С.126-128. Сайид Мансур Олимий.Бухоро -Туркистон бешиги, Бухоро -2004; Б. 89-91 Ҳайитов Ш.А. Амир Олимхон ва аффон амирлари//Бухоронома, 2002йил, 26январь. Шу муаллиф: Бухоро-Туркистон бешиги: тарих ва тақдир // Бухоронома, 2004 йил, 25 июнь. Шу муаллиф: Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро нашиёти, 2005. Б.29-34 ва ҳоказо.

муҳожирликда яшаш учун танлаган мамлакат: Афғонистон Бухоро амирлиги билан ўзаро яқин чегараларда жойлашганлиги, узоқ масофаларга чўзилган чегара чизиғининг ўша пайтда бўш қўриқланганлиги, афғон ва Бухоро амирлари ўртасида азалдан ҳамкорлик алоқалари мавжудлиги, диний омил каби асосларни бирин-кетин санаб ўтади. Тадқиқотларда Амир Олимхон Афғонистон пойтахти Кобулда меҳмонлардек кутиб олинганлиги қайд қилинади. Амирнинг Кобулдаги биринчи қароргоҳи Ҳусайн Қавт боғи бўлган, кўп ўтмай у Ҳошимхон боғига кўчирилган, сўнгра Муродбек қалъасига ўтказилган. Кобулдан 11км узоқликда жойлашган Фатух қалъаси амирнинг сўнгги қароргоҳи бўлиб қолган. Амир афғон ҳукумати белгилаган 12 минг афғон рупийси (кейинчалик 14 минг рупий) миқдоридаги нафақа ва 1млн олтин сўм маблағга эга бўлган заргарлик дўконидан келган даромад ҳисобидан яшаган⁸⁶.

Тадқиқотларда Амир Олимхон шахси билан боғлиқ хислатлар, унинг Бухорода яшаган даврдаги ва муҳожирликдаги оилавий ҳаёти ҳақидаги масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу йўналишда Н.Наимов, А.Эгамназаров, М.Олимпур, Мажид Ҳасаний, Ражаббой Отатурк, Қ.К.Ражабов, Сайфиддин Жалилов⁸⁷ кабиларнинг ишларини санаб ўтиш мумкин.

1923 йил ёзида БХСР ҳукуматининг қарори билан Амир Саид Олимхоннинг оналари Тўраойим, Шамсияйим, Тўтиойим, қизлари Ҳосиятой, Саодатой, завжалари Муҳаррамойим, Мушаррафойим,

⁸⁶Сайд Мансур Олимий. Бухоро -Туркистон бешиги. Бухоро-2004; Б.86;89.

⁸⁷ Наимов Н. Эгамназаров А. Амирнинг авлодлари// Шарқ юлдузи, 1992; №3; Б.167-184; Наимов Н. Амирнинг зурриёди. Бухоро-1996;Олимпур М. Бухоро сўнгги амирининг аччиқ қисмати//Ленинобод ҳақиқати(Тожикистон) 1993 йил, 1 июль. Мажид Ҳасаний . Юрт бўйнидаги қилич ёки истило. Т:Адолат. 1997. Б. 68-71. Ражаббой Отатурк. Юрақдаги Бухоро. Т: Маънавият.1996. Ражабов Қ. Эслатилган китоб, Ҳайитов Ш. Раҳмонов К. Устод Айний публицистикасида Бухоро тарихи муаммолари // Бухоро мавжлари, 2004, №3; Б.23-24 Жалилов С. Бухорийлар қиссаси; Т;2006; 281 бет.

Муборакойим, Хурсандойим, амакилари Мир Муҳаммад Сиддиқ Музаффархон ўғли, Мир Носир Музаффархон ўғли, Мир Абдул Азимхон Музаффархон ўғли, синглиси Шоҳой, туққан онаси Давлат Баҳт ва бошқа яқин қариндошлари ўз ихтиёrlарига кўра Афғонистонга юборилди.⁸⁸ XX аср 90 - йиллари бошида амирнинг 2 завжаси, 12 нафар ўғли, 10 нафар қизи тирик эди. Улар Туркияниг Фозиантиб шаҳрида, шунингдек АҚШ, Германия, Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистони ва Эронда истиқомат қилардилар. Улар 1993 йил сентябрь Бухорони зиёрат қилишди⁸⁹ - деб ёзади Қ. Ражабов.

Амир муҳожирликда ҳам бир неча бор уйланиб, унинг хорижда 37 фарзанди: яъни 16 ўғиллари ва 21 та қизлари дунёга келди. Амир Олимхоннинг фарзандлари Афғонистондан ташқари Туркия, Саудия Арабистони, Покистон, Эрон, Германия, АҚШ каби мамлакатларда истиқомат қилишаяпти⁹⁰ каби маълумот берилади бошқа асарларда.

Муаллифларнинг ёзишича амир Афғонистон амирлари Омонуллахон (1919-1929й), Бачаи Сақо (1929й январь-октябрь), Нодиршоҳ (1929-1933), Муҳаммад Зоиршоҳ (1933-1973) кабилар билан мулоқот ва учрашувларда бўлган. Амир Олимхон улардан большевикларга қарши курашда ёрдам сўраган. Бироқ, афғон амирлари унинг илтимосларини жавобсиз қолдиришган. Амирнинг совет ҳокимиятига қарши курашни давом эттириш истаги натижасиз қолади. 1922 – йилнинг ёзидаги ҳарбий тўқнашувларда Анвар пошо (1881-1922 йиллар) енгилиб, Болжувонда ҳалок бўлганидан сўнг

⁸⁸ Ражабов Қ. Юрт дийдорига талпиниб... // Ўзбекистон овози; 1996. 25 октябрь

⁸⁹ Шу муаллиф; Эслатилган асар; Б. 31.

⁹⁰ Олимпур М. Бухоро сўнгги амирнинг аччиқ қисмати// “Ленинобод хақиқати”(Тожикистон)

Анвар пошо “босмачилар”ининг кўплари Афғонистонга яъни амир олдига қочиб кетдилар⁹¹. Амир Олимхон олтин камарини Омонуллахонга, олтин тожини Нодиршоҳга совға қилди.

Тадқиқодларда Амир Олимхоннинг шахсий хислатлари ҳақида маълумотлар берилади. Амир Олимхон бир қатор ижобий хислатларга эга бўлиб, Кобулдаги Қалъайи Фатухда “бедилхонлик”, ҳамда “шеърият кечалари” ўтказган. Кобулдан келган афғон футбол жамоаси билан муҳожир ўзбекларнинг “Турон” командаси ўртасида мусобақа уюшириб, мусобақада намунали ўйин кўрсатганларни совғалар билан тақдирлаган. Амир шарқона миллий кийимда юриш ва миллий урф – одатларимиз, қадриятларимизни сақлашда бошқа муҳожир ўзбекларга намуна кўрсатган. Амирнинг Афғонистонда туғилган фарзанди Сайд Умархон: “Падари бузрукворимиз шикор (ов)ни яхши кўрар эдилар. Амир Омонуллахон билан овга чиқиб ўзларининг ўта мерганликларини кўрсатган эдилар, афғон амири билан бирга тушган суратлари бор. Суратда афғон амири европача кийимда, отамиз эса бухорча кийимда тасвирланганлар⁹²” деб хотирлайди.

Амир Олимхон ўз фарзандларини ўқитиш, уларга инглиз ва урду каби хорижий тилларни ўргатиш учун ўқитувчилар ёллаган. Кобулда унинг фарзандларига Британия Ҳиндистонининг Миробод шаҳридан келган ака-ука Хўжа Раҳматуллоҳ ва Хўжа Кароматуллоҳлар сабоқ беришган. Амир Олимхон фарзандлари орасидан шоир, журналист, врач, давлат арбоблари етишиб чиққан⁹³.

⁹¹Сотувчи сифатида босмачилар ичida.// Ёш Туркистон, 1930; 13-сон, декабрь. Б. 32

⁹² Ражаббой Отатурк. Юракдаги Бухоро. Т.Маънавият.1996, Б. 48

⁹³ Мажид Ҳасаний. Ўша китобда. Б. 69

Амир Олимхон сиёсий мавқесини йўқотган бўлсада, у билан айни бир пайтда инглиз ва совет айғоқчилик идоралари қизиқишиган. Оға Муҳаммад исмли “Доривор” лақабли инглиз жосуси онаси билан бирга амир боғида яшаб Англияга амир ва унинг оиласи ҳақида маълумот бериб турган... Амирнинг Кобулдаги Фатух боғида Нарзулла исмли шахс яшаб, чой қайнатиб берувчилик хизматида бўлган. У ҳар куни амир олдига кимлар келиб кетганлигини инглизларга етказиб, улардан бир ойда 600 кольдер олиб турган.

Амир Олимхон Афғонистонда Ватан меҳри ва ҳасрати билан яшади. Амир Олимхон шахсияти ва унинг муҳожирлиқдаги ҳаёти билан боғлиқ масалада келгусида янада мукаммал тадқиқотлар яратилади деган умиддамиз.

“Эй Ватан, охирги нафасимгача сенга салом дейман. Гарчи сен парча-парча бўлдинг, лекин ҳар бир давлат-ҳокимиятдур. Ватан руҳи менда доим тирикдир...

Эй Бухоро, сенинг учун туғилдим, сенинг учун яшайман ва сенинг ёдинг билан жон бераман. Салом сенга Бухоро!”

Амир Саид Олимхоннинг вафоти олдидан айтган сўнгги фикрлари. Саййид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги.

Бухоро-2004. 125-126 бетлар.

VIII. Аҳмад Дониш ва Ватан тақдири.

Қомусий илмлар билимдони бўлган Аҳмад Дониш Ўрта Осиё хонликлари таназзулга юз тутган, ўтмишда машҳур бўлган Бухоро шаҳри жаҳон тараққиёти ривожи “карвони”дан ортда қолган тарихий даврда яшади. У айни йигит ёшида, яъни 41 ёшга тўлганида, 1868 йилнинг ёзида Бухоро амирлиги чор Россиясининг протекторати (яrim мустамлакаси)га айланди.

Чор Россиясининг мустамлака даврига қадар Аҳмад Дониш халқ орасида машҳурлик мартабасига эришган, хаттотлик санъатида ном қозонган ва амир саройидаги қушбеги мирзахонасида мирзалик мансабида ишлаганди. У татар тилмочлари билан мулоқотлар қилиш ва русийзабон баённомаларни кўчириш орқали рус тилини пухта ўрганиб олади.

Аҳмад Дониш бутун вужуди ва қалби билан ватанпарвар шахс эди. У Бухоро амирларидан уч ҳукмдор: Амир Насруллохон (ҳукмронлик йиллари: 1826-1860); Амир Музаффархон (ҳукмронлик йиллари: 1860-1885); Амир Абдулаҳадхон (ҳукмронлик йиллари: 1885-1910) даврларида яшади. У ўзининг “Бухородан Петербургга саёҳат”, “Бухорои – Шариф манғит амирлари муҳтасар тарихи”, “Нодир воқеалар” каби ўлмас асарларида Ватан ва халқ тақдири ҳақида фидоийларча, куюнчаклик билан фикрлар билдиради. Агар ҳукмдор Ватан озодлиги ва тараққиётини истаса ҳар бир соҳада адолат билан иш тутиши, кенгаш билан иш кўриши ва фармон бериши, аҳоли барча табақаларига бир хил ғамхўрлик қилиши каби хислатларни ўзида жамулжам қилишини қайта-қайта такрорлайди.

Аҳмад Дониш бир муддат Насаф (Қарши вилояти)да қозилик (судья)лавозимида ишлаб турганида адолат билан иш кўрганди. У 1857, 1869, 1893 йилларда: уч марта Россияга сафарлар қилди.⁹⁴

Демак, юқорида номлари зикр қилинган учта амир даврида ҳам у Россиянинг Москва ва Петербург шаҳарларида бўлиб амир элчиларига ҳамроҳлик қилган. Аҳмад Дониш ҳар сафар Россия давлати сафаридан қайтар экан, ҳукмдорларни хайрли ишлар билан шуғуланишга унданганди. У 1876 йилгача мамлакатни ислоҳот йўли билан тузатиш, тараққиёт пиллапоясига олиб чиқиш мумкин деб ҳисобларди. Бироқ, кейинчалик озодлик ва эркка ҳалқ ўзи курашиб эриша олади деган фикрга келди.

Куйида келтириладиган фикр ҳақиқатга қайдаражада яқин, бироқ баён қилиш ўринли бўлардики, Россия давлатига қилинган сафарларидан бирида Аҳмад Дониш чор Россияси маъмурлари Бухоро шахри орқали темир йўл излари ётқизиш лойиҳаси тузганлигидан воқиф бўлади. У Россия “олампаноҳи”га олиб борилаётган совғаларнинг катта қисмини битта тую устига баланд қилиб юклайди. Тую ўз юки билан Санкт-Петербургдаги подшоҳ қароргоҳи, яъни Қишки сарой дарвозасидан сиғмайди. Аҳмад Дониш рус подшоси вакилларидан дарвозани бузишни сўрайди. Рус подшоси бунга рухсат бермайди. Аҳмад Дониш шунда битта дарвоза сиз учун қанчалик қадрли, агар Бухоройи – Шариф ичидан темир йўл излари ўтса бизнинг ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган тарихий бинолар ахволи нима кечади? - деган савол билан рус маъмурларига

⁹⁴ Наимов Н. Фитрат фожиаси. Т., “Фан”, 2005, Б. 16-17.

мурожаат қилган. Шундан кейин темир йўл излари Бухородан 12 км. узоқ масофадаги Янги Бухоро (Когон)дан ўтган экан.

Аҳмад Дониш ўз даври ҳукмдорларини тарихимизда ўтган улуғ йўлбошчилардан, адолатли амир ва подшоҳлардан ўрнак олишга чақириди. У ота-боболардан мерос бўлиб қолган ўгит: “Сендан олдинги ҳукмдор томчи бўлса, сен денгиз бўл, сендан олдинги ҳукмдор ой бўлса, сен қуёш бўл!” деб берган насиҳатларига амал қилиши Ватан равнақини таъминлайди, деб ҳисобларди. Шунинг учун Амир Музafferнинг “Оқ отда Россия пойтахти Петербургга кириб бориши” билан боғлиқ хаёлий, тушга айланган орзуумидларини танқид қиласа экан, унинг Зирабулоқ жангидаги (1868 йил июн) ҳолати тўғрисида “Жанг бошланишиданоқ ўз чодиридан чиқмай ҳарбий ҳаракатларни кузатганлиги, амирнинг сарбозлари рус ҳарбийларидан енгилганидан сўнг ўз отига ўтириб Бухорога етиб келгунга қадар орқасига бир бор ҳам қарамаганлиги” ҳақидаги кинояли фикрларни ёзади.

Аҳмад Дониш Бухоро амирларини ўз аждодлари ҳисобланган Амир Шоҳмуроддан (ҳукмронлик йиллари: 1785-1801) ўрнак олишга чақиради. У : “Ҳар минг йилда битта улуғ ҳукмдор келиб ўзидан кейинги ривожланишни бошлаб беради. Ушбу минг йилнинг 500 йили ижобий ўзгаришлар, 500 йилида эса таназзул юз беради, ҳар 100 йилнинг ҳам ўзаро нисбати 50 йилдандир. Мусулмон календари билан VIII асрда Амир Темур ҳукмронлик қилди, XIII асрда эса Амир Шоҳмурод исломий ривожга ҳисса қўшди⁹⁵” - деб қайд қиласи. Бу

⁹⁵ Анке Фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. (XVIII-XIX) Алматы, Изд. «Дайк - Пресс», 2004, С. 414.

билин олим Амир Шохмурод инсонларга ғамхўрлик қилди, ўз давлатини мустаҳкамлади, интизом ўрнатди, деб ҳисоблайди.

Минг афсуски, Аҳмад Донишга истибдод, зулм, қонли кечмишлар, эркимизни қўлдан бериш даври тарихини ёзишга тўғри келди. Ватанини жонидан ортиқ севувчи мутаффакир учун бу тарихни битиш осон кечмади.

Аҳмад Дониш сингари улуғ аждодларимиз орзу қилган озод ва обод Ватанда яшаш баҳти бизга насиб этганидан эса фақат баҳтиёрлик ҳис-туйғуларини қадрлаймиз.

1-талаб: Самарқанд рус давлатига қўшилгандан сўнг Бухоро сув тақчиллигини сезаяпти. Самарқанддаги ҳокимлар сувнинг учдан икки қисмига эгалик қилмоқдалар...шунинг учун бизга Сирдарё ёки Амударёдан сув келтиришни биладиган билимли кишиларни юборинг.

2-талаб: Бизнинг ўлқамизда мева ва сабзавотлар жуда кўп. Бухорода ундан шириналар ёки шакар тайёрлайдиган завод қуришда ёрдам беринг.

3-талаб: Мовароуннахр шаҳарлари чеккаларида тоғлар жуда кўп, уларда эса фойдали қазилмалар бор. Шунинг учун қазилмалар илмини биладиган одамларни юборсангиз. Бу ҳар иккала давлат учун ҳам фойдали бўлур эди.

4-талаб: Бухорода мовут тўқиши фабрикасини қуришга кўмаклашсангиз.

Аҳмад Донишнинг Россия подшосига юбории учун Бухоро амири Музafferга ёзиб берган талабномаси.

IX. Корейслар Ўзбекистонга қандай келиб қолган?

Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли давлатлардан бири бўлиб, бугунги кунда мамлакатимизда истиқомат қилаётган туб жой аҳоли ҳисобланган туркий қавм ва тоҷиклардан ташқари ўнлаб халқлар мавжуд. Республиканинг этник ва миллий таркибидаги кескин ўзгаришлар айниқса мустабид совет тузуми йилларида рўй берди. 1930-1940 – йилларда 20 дан ортиқ миллат ва элатлар Ўзбекистонга мажбуран қўчирилди ёки депортация қилинди. Депортация (бадарға қилиш) сиёсати ҳақида фикр билдирилар экан, корейслар, месхети - турклар, курд ва хемшиллар, қrim-татарлари, чечен ва ингушлар, қалмиқ ва немислар каби миллат вакиллари қаторини санаб ўтиш мумкин.

Фикр юритадиганимиз корейслар ва уларнинг Ўзбекистон ҳудудларига келиб яшаб қолиш тарихи ҳақидадир. Бу масала моҳиятини ёрқинлаштириш, ёки корейс миллати вакилларининг собиқ СССР ҳудудлари бўйлаб тарқалиши билан боғлиқ тарихий илдизларни таҳлил қилиш учун воқеалар тафсилотини XIX асрнинг 60-йилларидан бошлашга тўғри келади.

Корейсларнинг асл ватани Корея бўлиб, улар бир неча босқичда Россия давлатига тегишли бўлган ерларга кўчиб келганлар. Тарихий манбалар маълумотича корейсларнинг Россияга қарашли бўлган Узок Шарқ регионига кўчиб ўтишидаги биринчи тўлқин 1863-1884 йилларда рўй берган. Жанубий Уссурийский ўлкаси, Амурбўйи ва Приморский вилоятларида дастлабки корейс қишлоқлари вужудга келган. Узок Шарқ ўлкаси ҳудудий жиҳатдан каттакон майдонни

эгаллаб, бу ерларда русларнинг ўзи кам сонли бўлган. Ўлкани ўзлаштириш, ишчи кучига эга бўлиш, Хитой ва Япония сингари мамлакатлар билан чегарани мустаҳкамлаш мақсадида Россия аҳолиси сонини кўпайтириш зарурати бор эди.

Корейсларнинг Узок Шарққа келиб жойлашишига асосий сабаб ўз мамлакатларидағи шафқатсиз зулм, моддий қашшоқлик, ҳукумат томонидан юритилган зўравонлик ва солиқ сиёсати каби омиллар бўлган. 1864 йил январ ойида Россиянинг Приморье вилоятига илк бор 13 оила, жаъми: 65 кишидан иборат корейслар кўчиб ўтганлар ва Тизинхе номли биринчи корейс қишлоғига асос солганлар. Ўша йили 100 оила корейслар агар Россия ҳукумати улар хавфсизлигини таъминласа бу давлат ерларига кўчиб ўтиш истагини билдиришган.

1868-1869 йилларда рус давлати чегараларига 900 нафар корейслар кўчиб ўтди. 1869 йилда Кореяда рўй берган ҳалокатли сув тўфони туфайли қишлоқ хўжалик ҳосилларининг нобуд бўлишидан жабр кўрган, яшаш манбаисиз қолган корейслардан 1850 киши (1300 та эркак, 500 та хотин-қиз) фақат ушбу йилнинг сентябр - октябр ойлари оралиғида Тизинхега келиб жойлашди. 1869 йилнинг охирги 2 ойида 4500 корейс ўз ватанини тарк этди. Россия ҳукумати корейсларнинг чегарадан ўтишига тўсқинлик қилди, улар учун “тасодифий баҳтсизликлар” операциясини уюштириб турди. Бироқ бу тадбирлар корейс муҳожирлиги жараёнини тўхтата олмади. 1870 йилдан бошлаб корейсларнинг Россия Узок Шарқи бўйлаб мавсумий миграцияси авж олди. 1880-йилларда Россия ҳукумати корейс муҳожирларига айрим имтиёзлар берди. Корейслар 33 йил муддатга 600 рубль миқдорида давлатдан ўз оиласини тиклаш учун имтиёзли

қарз оларди. Ҳар бир оиласа 15 десятинадан 100 десятинағача (1 десятина - 1,09 га) ер бериладиган бўлди. Корейс дехқони З йил муддатга ер солиғидан, 20 йил муддатга эса давлат мажбуриятларини тўлашдан озод қилинган. Ушбу енгилликлар берилишидан кўзланган мақсад аввало арzon ишчи кучини йўқотмаслик, Узок Шарқни ўзлаштириш ва бу минтақада аҳоли сонини кўпайтириш кабилар эди. 1882 йилда Россия Узок Шарқида 10.137 нафар, 1902 йилда эса 32380 нафар корейслар истиқомат қиласди.

Корейсларнинг Россия ерларига кўчиб ўтиши билан боғлиқ иккинчи “ижтимоий тўлқин” 1884-1905 йилларда рўй берди. 1910 йилда Корея Япония томонидан мустамлакага айлантирилганидан сўнг эса корейсларнинг Россияга сиёсий муҳожирлиги бошланди. 1910 йилда Россия ҳудудларида 55 минг корейс миллати вакиллари истиқомат қилас, уларнинг 27,6 фоизи шаҳар аҳолиси, 72,4 фоизи эса қишлоқ аҳолисини ташкил этарди. 1917 йил арафасида эса 100 минг корейс Россияда яшарди, бу даврда биргина Приморье вилояти корейсларининг сони 81.825 нафар кишини ташкил этган. Ўша даврда Россиянинг Европа қисмида 7000 нафар, Ғарбий Сибирда салкам 5000 нафар корейслар яшаган. Демак, уларнинг Узок Шарқдан ташқари Россия ҳудудлари бўйлаб тарқалиш жараёни кеча бошлаган.

1918-1920-йилларда Россияда бўлиб ўтган фуқаролар уруши даврида Узок Шарқ корейсларининг 3700 кишини ўзида бирлаштирган 36 та партизан отрядлари мавжуд бўлган.

Маълумки, 1920 йилларда СССР да аҳолини бир жойдан иккинчи жойга кўчирувчилик сиёсати авж олдирилди. Айни шу даврда Приморье ўлкасида корейслар гурунч етиштиришда юқори

иқтисодий натижаларга эришдилар. Гурунч етиштириш борасидаги ўз бой тажрибасини ўртоқлашиш учун Қозоғистонга корейслар таклиф этилди. 1926 йилда 220 оила корейслар Қозоғистонга кўчирилди.

1929 йилнинг октябрида Ўзбекистон ССР ер ишлари халқ комиссарлиги Владивосток округи ер ишлари бошқармасига Ўзбекистонга гурунч етиштирувчи 3-4 та корейс артеллари аъзоларини, жаъми 80-100 киши атрофидаги корейсларни юборишни сўради. Кўчиб келадиган корейсларга яшаш ва хўжалик юритиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш мажбуриятини Ўзбекистон ҳукумати ўз бўйнига олиши мурожаатда алоҳида қайд қилинганди. Бироқ, корейсларни Ўзбекистонга юбориш вазифаси айрим сабабларга кўра уюштирилмаган.

Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистонда 1920-йиллар охирига қадар бирорта ҳам корейс йўқ эди деб ҳисоблаш ноўрин бўларди. Россия империясининг 1897 йилда ўтказган аҳоли рўйхатига кўра Еттисув вилоятида - 11 та, Сирдарё вилоятида - 2 та, Ақмалада - 5 та, Кўқон, Наманган уездларида бир неча нафар корейслар истиқомат қилганлар. 1926 йилдаги совет даврида олинган аҳоли рўйхатида Қозоғистонда – 42 нафар, Ўзбекистонда - 36 нафар, Қирғизистонда - 6 нафар корейслар яшаётганлиги қайд қилинади.

Хуллас, 1930-йилларнинг ўрталарида собиқ СССР ҳудудларида 200 минг сонли корейслар яшарди. Улар совет жамиятида ўтказилган “ёппасига колективлаштириш” (бу компанияда 80 фоиз корейслар қатнашди) саводсизликни тугатиш каби анъанавий тадбирларда иштирок қилдилар.

Узок Шарқдаги корейслар ўнлаб Совет Иттифоқи халқлари вакиллари орасида биринчи бўлиб депортация (бадарға қилиш), ўз ерларидан мажбуран оммавий равишда кўчирилиш билан боғлиқ зўрлик сиёсатига дучор бўлдилар.

СССР ХКС ва ВКП (б) МК нинг 1937 йилнинг 21 августидаги Л-1428-326СС рақамли қарори билан корейслар япон, немис, итальянларга айфоқчилик ва сотқинлик қилишда асоссиз айбланиб ўзлари яшаб турган жойларидан мажбуран кўчирилдилар. Ушбу маҳфий қарорни И.В.Сталин, В.Молотовлар имзолаган эдилар. 1937 йилнинг 28 сентябрида В.Молотов ва Н.Петруничев томонидан имзоланган. “Узок Шарқ ҳудудларидан корейсларни кўчириш ҳақида”ги Л-1647-377СС рақамли қўшимча қарор корейсларни фавқулотда тезкорлик билан кўчиришни кун тартибига қўйди. Совет ҳокимияти корейсларни Қозоғистон ва Ўрта Осиёга кўчиришни режалаштириди. 1917-1924 йиллардаги ҳарбий ҳаракатлар, 1929-1932 йиллардаги қулоқлаштириш сиёсати, 1931-1933 йиллардаги даҳшатли очарчилик туфайли ушбу ҳудуд аҳолиси кескин камайган, миллионлаб кишилар муҳожирликка кетган эди. 1931-1933 йиллардаги очарчилик, юқумли касалликлар туфайли биргина Қозоғистонда 1 млн. 700 минг киши вафот этган, 1 млн. 30 минг киши муҳожирликка кетган, жумладан 616 минг киши эса қайтиб келмаслик шарти билан кўчиб кетганди. Ўрта Осиё ҳудудларидан эса салкам 2 млн. киши хорижга муҳожирликка кетганди. Совет давлати ушбу айбларини ёпиш ва меҳнат ресурсларини тўлдириш каби мақсадларда ҳам бир бутун халқ пешонасига “сотқин”, “хоин” каби тамгаларни босиб кўчирувчилик сиёсатини юритганди.

1937 йил 15 октябрдан бошланган корейсларни мажбуран кўчириш билан боғлиқ тадбирлар 1938 йилнинг 1 январигача давом этди. Шундай қилиб 1938 йилнинг кузида Ўзбекистонда 16.453 оила, жаъми 74.206 нафар ўз еридан мажбуран кўчирилган корейслар яшай бошлади, шундан 10.946 хўжалик корейслар колхозларга бирлаштирилди. Вилоятлар бўйича тақсимланганида: Тошкент вилоятида - 6557 та, Самарқанд вилоятида - 1194 та, Фарғона вилоятида - 1130 та, Хоразм вилоятида - 846 та, Бухоро вилоятида - 16 та корейс хўжаликлари истиқомат қиласди.

Ўзбекистонга кўчирилган корейсларнинг тенг ярми “мустақил корейс колхозларига” уюшди. Тошкент вилоятининг Қуий Чирчик туманида - 6 та, Ўрта Чирчикда - 13 та, юқори Чирчикда - 4 та корейс колхозлари ташкил этилди. Самарқанд вилоятида - 9 та, Фарғона вилоятида - 5 та, Хоразм вилоятида - 3 та, Қорақалпоғистонда - 5 та корейс колхозлари тузилганди. Бундан ташқари 211 та ўзбек колхозларида 5145 корейс хўжаликлари жойлаштирилди. 1938 йил охирида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманганд, Қўқон, Бухоро каби Ўзбекистон шаҳарларида 2500 оила корейслар истиқомат қиласди. Умуман Ўзбекистон ҳудудларида жаъми бўлиб 16.307 корейс оиласи, 74.500 киши истиқомат қилган.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида СССР даги 205 минг сонли корейсларнинг 180 минг нафари Қозоғистон ва Ўзбекистонда яшарди.

Мажбуран кўчирилиш сиёсатининг дастлабки йилларда кескин ўзгарган табиий шароит, уй-жой муаммоси, тўйиб овқатланмаслик, тиббий хизматнинг пастлиги каби омиллар туфайли кўпгина корейслар хаётдан кўз юмдилар. Бевақт ҳаёт билан видолашганлар 25

минг нафарни ташкил қилди. Бироқ корейслар ўзбеклар билан елкама-елка бўлиб дехқончилик, полизчилик, боғдорчилик соҳасида юксак натижаларга эришдилар. Улар ўзларининг ўта меҳнаткашлиги, чидамлилиги ва маҳаллий миллатнинг тили ва урф-одатларига эътиборлилиги билан халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Корейс миллати вакиллари орасидан Ўзбекистоннинг кейинги салкам 70 йиллик тарихий даврида машҳур олимлар, шоир ва қўшиқчилар, тиббиёт ва иқтисодиёт соҳаси мутахассислари, миришкор дехқонлар етишиб чиқди. Бугунги кунда юртимиздаги корейслар ўзбек халқига қардош бўлиб қолган бошқа миллатлар сингари мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келаяптилар.

1930-1940 йилларда умуман мажбуран қўчирилганлар сони 3.226.342 киши бўлган. Улар “давлат топшириғи” ниқоби остида “махсус вагонларда” қўчирилган.

1945 йил октябрида ўз жойидан мажбуран қўчирилганлар сони 2.230.500 кишини ташкил қилиб, жумладан, немислар: 687.300, чечен, ингушлар: 405.900, корейслар: 200.000, қримтатар, грек ва болгарлар: 195.200, турк, курдлар: 88.000, қалмиқлар: 80.300, қорачойлар: 60.100, болқарлар: 33.100, суновецлар: 20.800 ва ҳоказо. Улар 6 иттифоқдош республика, 8 автоном республика, 5 ўлка, СССРнинг 27 вилоятларида яшашга мажбур қилинганлар.

*Бугай Н.Ф. К вопросу о депортации народов СССР в 30-40-х годах.
// История СССР. 1989 год. №6. С.139-143.*

Х. Туркистон ўлқасидаги лўли (циган) ларнинг сони ва машғулотлари хусусида (XIX аср охири – XX аср бошлари)

XIX асрнинг биринчи ярмида, яъни чор Россияси Туркистонни мустамлака қилгунга қадар ушбу минтақада мавжуд бўлган учта хонликда: ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ каби халқлар билан бирга оз сонли бўлсада немис, яхудий, арман, форс, афғон, ҳинд, уйғур, дунган каби этник групкалар ҳам истиқомат қилганлар. Хонликларда аҳолини рўйхатга олиш ва унинг миллий таркибини аниқлаш билан боғлиқ тадбирлар деярли ўтказилмас, аҳоли рўйхатлари тузилган тақдирда ҳам асосан солиқ ундириш мақсадида бундай ишга қўл уриларди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Туркистон генерал - губернаторлиги марказий маъмурияти ушбу ҳудуддаги аҳолининг этник таркиби, сони, турмуш тарзи, урф-одатлари, ижтимоий психологик ҳолати каби масалалар билан жиддий машғул бўлди. Бу муаммолар ечимини топиш мақсадида биринчидан рус мутахассис олимлари жалб қилинди, иккинчидан эса уезд ва вилоятлардаги ҳокимтўра ва ҳарбий губернаторлардан генерал -губернаторлик марказига аниқ маълумотлар юбориб туриш талаб қилинди.

Туркистонда чор Россияси мустамлака бошқарув тартиблари умрини чўзиш, минтақа табиий бойликларини имкон қадар қўпроқ ташиб кетиш ва Россия саноат маҳсулотлари сотиладиган бозорга эга бўлиш кабилар юқорида қайд қилинганидек иш юритишни тақозо қиласди. Туркистонда яшаган яхудий, уйғур, дунган, немис каби бир қатор халқлар ҳақида талайгина мақола ва асаллар ёзилган. Ушбу машқимизда XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон генерал -

губернаторлиги вилоятларида истиқомат қилган лўли (циган)ларнинг сони ва машғулоти ҳақида архив ҳужжатларига таянган ҳолда мухтасар фикр юритмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивининг Туркистон генерал – губернаторлиги концеляриясига тегишли бўлган тарихий ҳужжатларда лўлилар яшаган ҳудудлар ва чегаралар аниқ баён қилинган.

Жумладан, генерал – губернаторликнинг таянчи, ҳарбий - маъмурий маркази бўлган Тошкент шаҳридаги Кўкча ва Себзор даҳаларида XX аср бошларида 60 оила лўли (циган) лар истиқомат қилиб, улардан эркаклар сони 100 нафарни, хотин-қизлар ва болаларнинг сони эса 180 нафарни ташкил этган ҳолда асосий машғулотлари майда кустар саноати билан шуғулланиш бўлган.⁹⁶ Лўлилар форс тилида, айrim ҳолларда туркий тилда ҳам ўзаро мулоқотда бўлишган. Лўлилар ўзларини мусулмон деб ҳисоблашар, тери ва ташқи қиёфалари бир қадар қорароқ бўлиб, кишига ўткир кўзли қарашлари билан ажралиб туришган. Тошкент лўлилари қишида Тошкент шаҳрининг ўзида, айниқса кўпчиликлари Кўкча даҳасининг Сиғбот маҳалласида яшашган. Ёз ойларида эса улар шаҳар атрофидаги ялангликларга маҳсус палаткалар қилиб кўчиб ўтиб тирикчилик билан машғул бўлишган. Улар ўзларининг ота-боболари, яъни аждодлари Форс (Эрон)дан деб ҳисоблаганлар.⁹⁷

Тошкент шаҳри ва Тошкент уездида (бу уездда 12 оила лўлилар рўйхатга олинган - Ш.Х.) истиқомат қилувчи лўлилар орасида темирчилар (лапата, кетмон, қозон ясовчилар) сават тўкувчи усталар,

⁹⁶ ЎзРМДА, 1-фонд, 4-рўйхат, 638 - x, 15-в.

⁹⁷ Ўша жойда, 16-в.

тикувчилар, ҳатто музикантлар, раққослар ҳам бўлган. Улар ўзаро даъволарни қозилари орқали ҳал қилишган.

Кўқон (Фарғона водийси)да таваллуд топган лўлилар бу ерни ўз ватанлари деб билишар, Тошкент, Чимкент уездларига улар ёз ва куз фаслларида кўчиб келишар, баҳор ва қиши фаслларда ўз ерларига яна қайтиб кетишарди.

Генерал – губернаторликнинг Сирдарё вилоятига қарашли Чимкент, Перовский, Казалинск уездларига лўлилар яшамаган. Хива хонлигидан босиб олинган ерлар ҳисобидан ташкил қилинган Амударё бўлими (1873-1918)да ҳам лўлилар истиқомат қилишмасди.⁹⁸

Бирок Сирдарё вилоятининг Авлиёта уездида 23 жон лўлилар истиқомат қилиб, улар тожик тилида, ўзбекча сўзлар билан қоришма ҳолатида гапиришган.

1901-1902 йилларда Туркистон генерал – губернаторлигининг Фарғона вилоятида ҳам лўлилар салмоғи анчагина бўлиб, уездлар бўйича ҳисоб-китоб қилинганида, Марғилон уездида - 220 нафар, Кўқон ва унинг атрофларида - 466 нафар, Андижон уездида - 50 нафар, Ўш уездида - 14 нафар, жаъми бўлиб 826 сонли лўлилар истиқомат қилишган. Фарғона вилоятидаги лўлилар икки қабилага бўлинганди ва улар “лўли” ҳамда “мазанг” деб аталувчи атамалар билан аталарди.⁹⁹ Фарғона вилоятидаги лўлилар бир қадар ўзига хос хўжалик анъаналарига эга бўлиб, улар тирикчилик илинжида яrim кўчманчилик шароитида яшаб чорвачилик билан шуғулланишар,

⁹⁸ Ўша жойда, 17.18-в.

⁹⁹ ЎзРМДА, 1-ф, 4-р, 638-х, 20-в.

аёллари кўчага паранжисиз чиқмас эдилар, деб ёзилади чор ҳарбийларининг рапортларидан бирида.

Лўли ва мазанг қабилалари бир-биридан унчалик ҳам кўп фарқ қилишмасди. Мазанглар ўзлари ясаган игна, ойна, мис, кумуш тақинчоқлар, ёғоч буюмлар, ипларини маҳаллий ўтроқ аҳолидаги буғдой, жўхори, оқ жўхори, гурунч каби озиқ-овқат маҳсулотларига айрибошлишар эдилар. Мазангларда ўтмиш аждодларидан қолган эски анъаналар нисбатан кўпроқ сақланган. Бухоро хонлигидаги лўли (циган)ларнинг эркаклари от боқиш, арава ва арава ғилдираклари ясаш, мис идиш-товоқлар ясаш, оёқ кийими тикиш, айримлари фокус кўрсатиш каби машғулотлар билан машғул бўлишган.

Бухоро лўлиларининг аёллари паранжисиз очик юзда, соchlари ёйиб ташланган, оқ боғич билан танғиб қўйилган ҳолда юришган. Бухоро лўлилари тожик ва ўзбек тилларида гаплашишган, бирорвга ўзини таниширишганда “жўги”, “лўли” деб таниширишган. Улар ўз келиб чиқишишини икки амакивачча Араб Шо ва Ғариф Шога бориб тақалишини қайд қилишган. Араб Шодан бухоролик араблар, Ғариф Шодан лўли (циган)лар келиб чиқсан, улар аввалдан кўчманчилик асосида яшаган деб ҳисоблашган.

Генерал-губернаторликнинг Еттисув вилоятидаги лўли (циган)ларнинг таркиби бир қадар бошқача бўлиб, 1899 йилдаги тарихий ҳужжатлардан бирида ушбу ҳудудда 13 нафар лўли рўйхатга олинганлиги, аслида улар сони юздан ортиқ бўлиб, тасодиф орқали аҳолини рўйхатга олиш жараёнида анча лўлилар рўйхатда рус халқи вакилларига киритиб юборилганлиги ёзилган.

Чор маъмурияти XIX аср охири XX аср бошларида қанча куч сарфламасин Туркистон минтақасидаги лўлиларнинг сонини тўла аниқлай олмайди. 1901 йил 22 июлда Туркистон генерал–губернаторлиги бошқаруви учун тайёрланган ҳисоботда: “Ўлкадаги лўли (циган)ларнинг неча кишидан иборат эканлиги номаълум. Каспий орти вилоятида улар йўқ. Тошкент шаҳрида 280 киши, Тошкент уездига 37 киши, Чимкентда 20 киши, Авлиётада 23 киши, Марғилонда 220 киши, Кўқонда 466 киши, Наманган уездига 76 киши, Андижон уездига 50 киши, Ўш уездига 14 киши, Еттисувда 100 киши, Бухоро хонлиги бекликларида 3000 киши атрофида лўлилар истиқомат қиласидилар¹⁰⁰” - деб маълумот берилади. Юқоридаги рақамлардан аниқ бўладики, Туркистон генерал – губернаторлиги ва Бухоро амирлигига қарашли бўлган худудларда XIX аср охири ва XX аср бошларида тахминан 4-4,5 минг киши атрофида лўли (циган)лар яшашган. Лўлилар кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолатда кун кўрар эдилар. Улар йил фаслларига қараб доимий истиқомат қиласидиган жойларини ўзгартириб турганлар. Афтидан бу чоризмнинг Туркистондаги маъмуриятига мутлақо маъқул бўлмаган. 1894 йилнинг 3 июлида генерал – губернаторликнинг ҳарбий идораси губернаторлик вилоятларида лўлиларнинг кўчиб ва ярим кўчиб юришини таъқиқловчи маҳсус буйруқ чиқарган. 1897 йилдан эса ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилувчи маҳсус комиссия иш олиб борган. Бу масалада 1897 йил 5 декабрда яна бир буйруқ чиқарилган. Туркистон генерал – губернаторлигининг лўлиларга нисбатан юритган сиёсати

¹⁰⁰ ЎзРМДА, 22-ф, 1-р, 636-х, 139-в.

истиқболидаги режасида уларни аввал Бухоро хонлиги худудларига ҳайдаб юбориш, сўнгра эса осойишталик билан Афғонистон давлатига сургун қилиш билан боғлиқ масала долзарб қилиб қўйилганди. Чунки тарихий ҳужжатларнинг бирида: (1898 йил 6 феврал Каттақўрғон уезди бошлиғи, полковник А.Чертаевга юборилган рапортда - Ш.Х.) “Лўлиларни ҳайдаб юбориш тадбирларини ўтказишида Каттақўрғон уезди Қорабайт қишлоғидаги 16 лўлига даҳл етказилмасин. Улар ўтроқ дехқончилик ва майда ишлаб чиқариш билан банд. Ушбу қишлоқдаги лўлилар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ташвиш туғдирмайдилар. 16 нафар лўлининг ярми дехқончилик билан, қолганлари сув ташиб бериш ва атторлик қилиб муқим яшаб келаяптилар”¹⁰¹ - каби фикрлар ёзилган.

Хуллас, XIX аср охири XX аср чегарасида чоризмга тўла қарам бўлган Туркистон генерал - губернаторлиги ерларида ва Россия вассали ҳисобланган Бухоро амирлигига истиқомат қилган тахминан 4-4,5 минг нафар лўлилар мустамлакачи маъмурлар томонидан қатъий назорат ва таъқиб остига олинган эдилар. Таъқиб ва тазиқлар туфайли лўлиларнинг шундай ҳам аянчли, қашшоқликдан иборат турмуши оғирлашиб, кун кўришлари янада мушкуллашганди.

¹⁰¹ ЎзРМДА, 36-ф, 1-р, 3508-х, 17, 18-в.

XI. VIII – XII асрларда Самарқанднинг халқаро савдо – сотиқдаги иштироқи

Жаҳон тарихининг ўрта асрлари даврида Марказий Осиё миintaқаси транспорт нуқтаи – назаридан масалага ёндашилганида (от, тия, хачир) жуда қулай бўлган. Чунки юртимизда ўтиб бўлмас денгиз ва кўллар, баланд, табиати ноқулай тоғлар мавжуд эмас. Юк кўтарувчи ҳайвонлар учун текис йўллар савдо – сотиқ ва элчилик алоқаларига табиий жиҳатдан кенг имкон берар эди. Буюк ипак йўлиниң “Бўйтонлик” деб аталувчи марказий йўналиши ҳам Ўзбекистон шаҳарларига келиб туташарди. VIII – XII асрларда гарчи чет эл истилолари рўй берган бўлсада (араблар истилоси) қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Чоч (Шош), Бухоро, Урганч бўйлаб савдо – сотиқ карvonларининг қатнови тўхтаган эмас. Ажнабийлар босқини даврида бир қадар муддатда иқтисодий ва маданий ҳаёт издан чиқар, лекин заҳматкаш аждодларимиз жаҳон цивилизациясида карvonбошликни яна тезда тиклаб олишарди.

Мавзу боши қилиб олинган асрларда Самарқанд Шарқ ва Ғарб савdosига муҳим ўрин тутган, хорижий мамлакатлар билан муносабатларда етакчилик қилиб келган шаҳар сифатида ўнлаб манбаларда тилга олинади.

VIII аср бошларида Самарқандда бўлган Хитой элчиси Бэй Цзи “Кан (Самарқанд) подшолигидаги кишилар ўғил фарзандлари 5 ёшга тўлиши билан савдода ўргатишни бошлайдилар. Қачонким у китоб ўқиши билганидан сўнг савдо ишини ўрганиш учун юборадилар” – деб ёzádi. Хитой элчисининг сўзлари айни ҳақиқат эканлиги шундаки, сўғдийлар илк ўрта асрларда эфталийлар ва турк ҳоқонлиги

давлатларида элчи ва бош савдогар вазифасини ўтаганлар. Улар ҳисоб илмини пухта билганлар, 16-20 ёшдан бошлаб уларга халқаро савдода иштирок қилиш учун санад (гувоҳнома) берилган. Самарқанд шаҳрига ўзга мамлакат савдогарлари турли дарвозалардан кириб келарди. Араб фотиҳи Қутайба ибн Муслим 712 йил Самарқандни забт этар экан, шаҳарга “Хитой дарвозаси” (Шарқий томонда) орқали кириб “Кеш” дарвозаси орқали чиқиб кетган. Ёки, тарихчи Табарийнинг ёзишича 721 – 722 йилларда “400 та сўғд савдогарлари қимматбаҳо товарлар билан Хитойдан Самарқандга қайтиб келган эди”. IX-XII асрларда Ўрта Осиёда маҳаллий сулолалар ҳукмронлиги даврида Самарқанд иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксак ривожланган шаҳар эди. Хорижий элларда Самарқанд, Бухоро, Марвда ишланган олтин, кумуш тангалар қадрланиб, савдо – сотикда валюта ролини ўйнаган. Самарқанднинг Вадор қишлоғидан чиқарилган “Вадорий” матоси хориж савдогарлари диққатини ўзига жалб қилган. Мақдисийнинг ёзишича Вадорий матосини Бағдод ҳокими Хурсон кимхобига тенглаштирган. Академик олим А.Р.Муҳаммаджонов ушбу газламадан қилинган кийимни Хурсонда амир, вазир ва қозилар кийганлиги, у икки динордан ўн диноргача баҳоланганигини ёзади.

Ўрта аср ҳунармандчилигининг йирик маркази бўлган Самарқандда олий навли қофоз ишлаб чиқарилиб, шаҳар марказидан ўтадиган канал бўйида ўнлаб жувозхоналар бўлган. Самарқанд қофози ўта сифатли, юмшоқ, мустаҳкам, ёзиш учун қулай эди. Кейинги даврларда Самарқанд усталари қофоз ишлаб чиқаришни такомиллаштириб, унинг турли туман навларини кашф қилганлар.

Самарқанд қоғози Хитой шойи қоғозларидан ҳам юксак қадрланганлиги манбалардан маълум. Инглиз айғоқчиси Мир Иззатулланинг ёзишича Ҳиндистон ва Хитой савдогарлари Бухоро бозорларидан ҳар йили 25 минг дона от сотиб олар ва ўз юртига ҳайдаб кетарди. Баъзида эса Бухоро савдогарлари от уюрларини Самарқандгача ҳайдаб боришган. Самарқанд яқинидаги бозорларда отлар сотилар, савдогарлар ўз молларини ўзаро айрибошлашарди. Самарқанддан қирмизи ва қизил баҳмал, қуритилган мевалар, олма, ўрик сингари хўл мевалар ҳам хорижга чиқариб турилган. Ҳиндистон пойтахти Эски Дехлида Самарқанд, Бухоро, Балх меваларига талаб катта бўлган. Айниқса, узумчилик соҳасида омилкор бўлган Самарқандликлар хорижликларни лол қолдирган.

XV аср бошларида Амир Темур саройига ташриф буюрган Испания қиролининг элчиси Гонзалес де Клавихо Самарқанд боғ ва узумзорлар билан ўраб олинганлиги, баъзи жойларда боғлар 1,5 лиггача (Лиг – европача ўлчов бирлиги бўлиб, 4 км. Демак, 6 км.) масофага чўзилганлигини ёзган эди. Тўқимачилик, кулолчилик, қўнчилик, чилангарлик, заргарлик буюмлари шаҳарнинг ўнлаб дўконларида юксак маҳорат билан ишлаб чиқариларди.

718 йилда сўғдийлар ҳадя тарзида ўз дубулғасидан Хитойга нусха юборишган. Хитойликлар ушбу дубулғага қараб ўз қўшинини дубулғалар билан қуроллантирган. Сомонийлар даврида Бағдоддан ўтган катта карвон йўлида она юртимиз ҳудудидаги уч шаҳар: Самарқанд, Шош, Бухоро муҳим ўрин тутганлиги манбаларда қайта – қайта таъкидланиши тасодифий ҳол эмас.

Хуллас, VIII – XII асрларда Самарқанд Буюк ипак йўлида етакчи мавқега эга бўлган, халқаро савдо – сотиқ ва жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган шаҳарлардан бири эди. Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО бўлими томонидан “Буюк ипак йўли – мулоқот йўли” халқаро илмий экспедицияси (1991 йил апрел, июл) натижаларига бағишиланган илмий – назарий анжуманд (1991 йил 16 июл, Олмаота) мазкур халқаро йўл бўйида жойлашган ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг ўзаро маданий таъсир масалаларини ўрганиш маркази сифатида Самарқанд шаҳри танлангани бежиз эмас.

“Самарқанд, Бухоро, Хивага қилган сафарим ҳаётимдаги ҳаяжонли дамларим бўлди. У ерлар эртаклардаги каби афсонавий ва тарихий жойлардир. Мен Ипак йўли шу жойлардан ўтиб, маданиятлар ва динларнинг бир-бирига кириб келганлигини ва Шарқ билан Ғарб мулоқотига кўмаклашганлигини тасаввур этишга ҳаракат қилдим. Мен борган жойлар инсоният тақдирлари чорраҳалари ўтган буюк шаҳарлар эди. Ҳозир биз, тарих билан ҳисоблашган ҳолда, Ипак йўли тинчлик ва мулоқот йўли сифатида хизмат қилишини давом эттиришга кўмаклашмоғимиз лозим”.

ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистон Президенти И.Каримовга йўллаган мактубидан. “Халқ сўзи”. 1995 йил 3 ноябрь.

XII . Бухоролик савдогарлар

XV асрда шамолга қарши сузадиган елканни қайиқлар (каравеллалар) вужудга келиши, 1825 йилда Ливерпул – Манчестр йўналишида (Англия) поездлар қатнови бошлангани, 1912 – 1913 йиллардаги Болқон урушлари даврида самолётлар самога парвоз қилганлиги билан боғлиқ даврларгача етиб келиш учун инсондан қанчалик ақл – идрок талаб қилинганлиги ўз – ўзидан аён.

Хуллас, замонавий транспорт воситалари: самолёт, поезд, оғир юк кўтарувчи машина, дengиз кемалари вужудга келиши узоқ тарихий даврни тақозо қилди. Ушбу тараққиётда ўн икки асрлик ўрта асрларнинг роли ва ўрни бекиёс. Жумладан, ўрта асрларда Бухоро жаҳон савдогарларининг карvonсарайи бўлган. Юзлаб карvonсарайларда мусофиরхона, дўкон, омборхоналар бўлиб, қизғин савдо – сотиқ қилинган. Хорижлик олим ва саёҳатчилар билан сұхбат ва мулоқотлар шаҳарнинг маданий юксалишига ижобий таъсир кўрсатган. Бухоро савдогарларининг мавқеи халқаро савдода жуда баланд эди. Улар қаерга боришмасин у ерда карvonсарайлари бўлган, иззат ва ҳурмат билан кутиб олинишган. Манбалардан бирида XV асрда Хитойга борган Бухоро савдогарлари ўзларининг “Бухороликлар” карvonсарайига бориб жойлашганлиги, уларга ҳамроҳ бўлган рус савдогарлари эса императордан бошпана сўраганликлари баён қилинади. Бухоролик савдогарлар ўз маҳсулотини хориж бозорларида мусулмончилик ахлоқига риоя қилиб икки баробаридан ортиғига сотмасди. Ўзга элларда улардан 2,5 %, яъни энг кам бож олинарди. Россиянинг Қозонъ, Нижний –

Новгород, Рязань, Самара, Новгород шаҳарларида божлар 10 ҳатто 20 % гача чиқиб кетар, бухоролик савдогарлар бундан жабр кўрарди. Шунинг учун 1717 йил Жоний ҳукмдор Абулфайзхоннинг (1711-1747) элчиси Қулибек Тўпчибоши Россия подшоси Пётр I дан Бухоро савдогарларига рус шаҳарларида божсиз савдо қилиш ҳуқуқини олиб берган эди. Бухоро Шарқ ва Ғарб савдосида воситачилик қиласарди. Бухоролик савдогарлар олиб борган моллари айrim халқларнинг маданий ва майший турмушигача сингиб кетган эди. Жумладан, Озарбайжонларда қоракўл теридан қилинган телпакларни “Бухоро папах” улар уйини иситишда фойдаланадиган печларни “Бухоро печ” деб аташ расм бўлган ва бу атамалар ҳозиргacha сақланган.

1739 йил Бухорага ташриф буюрган инглизларнинг Москва савдо компанияси (1555 йил тузилган) айғоқчилари Элтон Факс ва Мунго Гремлар Бухоро хонлигининг ташқи савдосидан олинадиган бир йиллик даромади 1000 дукат (дукат-Европа пул бирлиги) Хива хонлигига эса 100 дукат бўлиб, улар ўртасидаги фарқ ўн баробар эканлигини аниқлайдилар. Бухоро халқаро савдода мавқели бўлиб, катта савдогар Мир Ҳалимнинг маълумотича бир йилда шаҳар бозорларига 50 минг тужик киритилган ва таҳминан шунча миқдорда юк хорижга сотиш учун олиб кетилган. Сўнгги ўрта асрларда ҳар йили ўртача Хитойдан Бухорага минг тужик ипак, 300 тужик кўк ва қора чой келтирилса, Ҳиндистондан минг тужик индиго (қимматбаҳо бўёқ) олиб келишарди. Бухоро шаҳрида 7 та от бозори бўлиб, уларда бир йилда 25 мингта тулпор отлар сотиларди. Хитойликлар отларни 150 – 200 талаб уюр қилиб ўз юртига ҳайдаб кетишган. Бухоро бозоридан 50 тиллага олинган отлар Хитойда 100 – 150 тиллагача баҳоланган.

Бухоролик савдогарлар мавқеи шу қадар баланд бўлганки, Тоболь, Астрахань, Кяхта ва Архангельск шаҳарларида савдо қилган Қошғарликларни (Шарқий Туркистон) “Кичик бухороликлар” дейишган. Шаҳар ва унинг атрофидаги қўрғонларда 15 –20 кунлаб бозорлар гавжум бўлган. Худди Европа шаҳарларида Шампань, Сен – Жермен, Исо Меърожи, Женева ярмаркалари сингари бу бозорларда ҳаёт қайнарди. М.Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида Варахша ҳақида гапириб, “Бу қишлоқда ҳар 15 кунда бир кун бозор бўлади. Йилнинг охирида эса 20 кун бозор қизиб, 21 кун – Наврӯз янги йил байрамини ўтказадилар” деб ёзган эди. Бухоролик савдогарлар билимли, зукко, доно кишилар бўлишган. Уларга шунинг учун элчилик вазифаси топширилар эди. Россия ҳукмдори, ислоҳотчи подшо Пётр I нинг отаси Алексей Михайловичнинг Хитойдаги элчиси асли бухоролик бўлган. У Сибирда савдо – сотиқ билан шуғулланган катта савдогар Сайдкул бўлган. Бухоролик савдогар Эрназарбой Максуд бир пайтнинг ўзида ҳам Россия ҳам Туркия элчиси бўлган. Рус императрицаси Екатерина II у билан мулоқотда бўлиб, ақл – идрокига қойил қолган. Э.Максадга ҳукмдор Каспий дengизидаги рус кемаларидан бирини совға қилади. Унга Россия шаҳарларида 5 йил муддатда божсиз савдо – сотиқ қилиш ҳуқуқини олган Э.Максад Бухорода Эрназар элчи мадрасасини Екатерина II пулидан қурдирган. Бухоро амирига турк султони мактуб йўллаб: “Эрназарбой сингари тажрибали савдогарлар маҳсулотига ва маслаҳатига муҳтожлигини” ёзгани ҳам бежиз эмас.

Тарихда савдогарларнинг хизмати шундаки, кўпгина карvonлардан олим ва сайёҳлар ҳимоя топиб йўл юришарди.

Мусулмонлар Макка ва Мадинага ҳаж сафариға отланганларида ва ортга қайтишда савдо карвонлари билан бирга йўлга чиқардилар. Савдогарлар иқтисодий география фанига асос солган ва этнография, нумизматика, топонимика каби фанлар ривожига муҳим ҳисса қўшган шахслардир. Бу ўринда Бухоро савдогарларининг роли бекиёс бўлганлигига эса тарихнинг ўзи гувоҳ.

Салкам ўн етти аср давомида қизгин савдо-сотик олиб борилган Буюк Ипак йўли тарихида энг катта савдо карвони Бухородан йўлга чиққан. Сомонийлар ҳукмронлик қилган даврда (874-999 йй), яъни 922 йилда Халифа Муқтадирнинг Ибн Фадлан бошчилигидаги савдо ва элчилик карвони Бухоро шаҳридан Волга дарёси бўйидаги Булғор ва Ҳазарон давлатларига қараб йўл олган. Ушбу улкан карвонда 3 минг от ва туяларга юкланган буюмлар бўлиб, унга 5 минг киши ҳамкорлик қилган. Тор йўлаклар ва сўқмоқли жойлардан ўтганда 10-12 км.ли масофага чўзилган карвон ноодатий характер касб этган. Савдогарларга қалин ўрмон ва чакалакзорлардан ўтишга тўғри келган. Шу сабабли савдо карвонидагилар кундузи дам олиб, кечқурун осмондаги юлдузларга қараб йўлни давом эттиришган.

Ҳайитов Ш.А., Темиров У. Қуёш йўлларидағи қадим карвоним... Бухоро-1994 йил. 4-бет.

ХІІІ. Амир Темур жавоҳирлари - ўтмиш даракчилари.

Амир Темур ва темурийлар даври тарихини тадқиқ қилишда қимматбаҳо жавоҳирлар, айниқса ноёб ҳисобланган олтин, кумуш, олмосдан ясалган заргарлик буюмларининг ҳам аҳамияти катта. Улар бизга ўз даври тарихи ҳақида хабар беригина қолмай, ҳунармандчилик буюми, санъат асари, ҳатто сиёsat ҳақида ҳам маълумотлар бериши мумкин. Мавзу мазмунини ёритишдан олдин ўтмишда, хусусан қадимги ва ўрта асрларда ҳукмдорлар олтин ва кумуш ём билар, буюмлар ва тақинчоқларни ўз хазиналарида тўплаганлиги, олмос (лаъл, ложувард)га ишлов бериш натижасида ясалган гавҳар ёки ёқут тошларини тожларига тақиб юрганлиги, кийим ва жанг қуролларига қадаш анъанаси бўлганлигини қайд қилиб ўтиш мумкин. Жаҳонгирликка даъво қилган шоҳ ва султонлар “Зари борнинг зўри бор!” нақлидан келиб чиқиб бойлик ва куч-кудратларини мустаҳкамлаш мақсадида қимматбаҳо тошларни ўлжа қилиб олишарди. Улар ўзаро савдо – сотик қилиш ва тинчликда яшашга қаратилган шартномалар имзолаш маросимида ҳам бир-бирларига ўз элчилари орқали олтин эгарли отлар, олтин дастали қиличлар, қимматбаҳо тошлардан ясалган жавоҳирлар ҳадя қилишган. Бу эса салтанатлар куч-кудрати ва дўстлигининг рамзи бўлган.

Ватандошимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўзининг узоқ йиллар давомида амалга оширган зафарли ҳарбий юришларида кўпгина узоқ ўлкалардан олмос, олтин, кумушдан ясалган қимматбаҳо заргарлик

буюмларини ўлжа сифатида ўз салтанати пойтахти Самарқандга олиб келиб тўплаганди.

Фарб ва Шарқнинг сайёҳ ва элчилари Амир Темур ҳузурига ташриф буюрганларида ушбу жавоҳирлар кўз – кўз қилинарди. Бир қатор тарихий адабиётларда Соҳибқироннинг “Самарқанддаги 25 минг ноёб жавоҳирлари” ҳақидаги фикрлар учрайди.

Амир Темур пойтахти Самарқандда икки йил (1404-1406) яшаган Леон ва Кастилия (Испания) элчиси Р.Г.Клавихо “Темурбек саройига саёҳат Кундалиги” да амир қароргоҳида ўз кўзи билан кўрган олтин сандиқни ва қимматбаҳо заргарлик буюмларини қуидагича тасвирлайди. “Унинг (сандиқ) ялпоқ қопқоғи яшил ва кўк мино эмалдан ишланган кичик қуббалар, нақадар ноёб жавоҳир ва инжулар билан зийнатланган. Бу сандиқнинг қопқоғи эшикка ўхшаш, ичида бир неча қатор қадаҳлар терилган, дурлар ва жуда қимматли тошлар билан безатилган, олти дона олтин ёмби ҳам бор эди. Бу сандиқнинг ёнида баландлиги бир метрча келадиган олтин хонтахта бор, унинг атрофи жавоҳир билан безатилган... Унинг рўпарасида эмаль шаклида ясалган бир олтин дараҳт, унинг йўғонлиги инсон оёғи йўғонлигига, атрофга ёйилган шохлари яшил билан қопланган. Бу дараҳт мевалари ўрнида жуда кўп қизил ёқут, забаржад, феруза, сафир ва ажойиб йирик дурлар шохларига осилган, япроқлари турли рангдаги мино эмаль ишланган, бутоқларида олтин қушлар бор”¹⁰². Испан элчиси маълумотидан аён бўладики, Амир Темур биз юқорида қайд қилган 25 минг жавоҳирларини “олтин дараҳт” ҳолатида бир жойга тўплаган. Ушбу ноёб тошлар орасида кўплаб тарихий

¹⁰² Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Китобдан парчалар /тўпл.: С.Аҳмад. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. Б. 49-50

воқеаларнинг гувоҳи бўлган ва ғаройиб саргузаштларни бошидан кечирган. “Чироғи олам” (Фарбда “Буюк Амир Темур ёқути”), “Кўҳинур” ва “Самойинур”, “Шоҳ ёқути” каби ўта ноёб, юксак қадрланган кўплаб жавоҳирлар ҳам бўлган.

Ушбу жавоҳирлардан “Чироғи олам” ўзидан кичик учта ёқут, бир қанча йирик дур ва зумрадлар қадаб ясалган санъат асари бўлиб, унинг вазни 361 карат (1 карат - 0,2 грамм) эди. Ундан ажойиб тақинчоқ ясалган¹⁰³. “Кўҳинур” ва “Самойинур” кабиларнинг таърифи ҳақида эса адабиётларда жуда кўп маълумотлар берилади. Амир Темур вафотига қадар унинг жавоҳирлари Кўксарой ва Бўстонсаройнинг кўрки бўлиб турди. Соҳибқирон ўлимидан сўнг тахт учун Амир Темурнинг ўғил ва неваралари ўртасидаги аёвсиз жанглар оқибатида Самарқанд бир неча бор қўлдан – қўлга ўтди. Тахтни эгаллаган ҳар бир темурийзода ўз қўлига тушган ноёб тошлардан турли мақсадларда фойдаланди. “Чироғи олам” ни Соҳибқирон 1898-1899 йилнинг қишида “Хиндистон ғазавоти” даврида қўлга киритган эди. Ёқут 1409 йилда Самарқанд тахтини эгаллаган ўғли Шоҳруҳ Мирзо (1376-1447) қўлига ўтди. У бу ноёб тошни 15 яшар ўғли Мирзо Улуғбекка топширди. Мирзо Улуғбек ўлимидан сўнг бу жавоҳир 1599 йилга қадар гоҳ темурийлар, гоҳ шайбонийлар орасида қўлдан – қўлга ўтиб турди. Аштархонийлардан Валимуҳаммад (1605-1611 йиллар ҳукмронлик қилган) “Чироғи олам” нинг эгаси бўлиб қолди. У 1611 йилда Ёқутни Эрон ва Озарбайжон шоҳи Аббос Сафавийга совға қилди. Сафавий ҳукмдори эса “Чироғи олам” ни ҳинд подшоҳи Мухаммад Жаҳонгиршоҳга

¹⁰³ Озод Мўмин. Амир Темурнинг ёқути. // Шарқ юлдузи. 1991, №10. Б.142

совға қилди. 1739 йилда Ҳиндистон пойтахти Дехлини эгаллаган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Афшар “Чироғи олам” нинг навбатдаги эгаси бўлди.

1747 йилда Нодиршоҳ вафот этиб, ушбу жавоҳирни ағфон саркардаси Аҳмадшоҳ Дурроний қўлга киритди.

1800 йилда Аҳмадшоҳнинг ўғли Темуршоҳ укаси Муҳаммад билан тахт талашиб, аввал Шужа-ал-Мулк олдига, кейин эса ҳинд сингхлари ҳукмдори Ранжит Сингхдан паноҳ излаб борди. “Чироғи олам”, “Кўҳинур” олмослари дастлаб Шужа-ал-мулқ, 1813 йилдан эса Ранжит Сингхга тегишли бўлиб қолди.

Бу даврда инглизлар Ҳиндистонни истило қила бошлаган эдилар. Англияning Ост-Индия савдо компанияси ҳарбийлари 1849 йилда Панжоб маркази Лоҳурни эгаллаб Ранжит Сингхни ўғли, 12 яшар Делип Сингх қўлидан Амир Темурнинг икки жавоҳирини олиб қўйдилар. 1851 йилда Англия пойтахти Лондонда намойиш қилинган “Чироғи олам” ва “Кўҳинур” олмоси Буюқ Британиядаги музейлардаги ноёб жавоҳирлар қаторидан абадий ўрин олди.

Амир Темур жавоҳирларидан бири “Самойинур”нинг темурийлар (кейинчалик бобурийлар) қўлидан кетиб Эрон ва Россияга бориб қолиш тарихи ҳам ғаройибdir.

Маълумки, З.М.Бобур (1483-1530) вафотидан сўнг Ҳиндистон тахти унинг катта ўғли Ҳумоюн Мирзога ўтди. Ҳумоюн Мирзо (1530-1540, 1555-1556) тахт учун курашларда ағfonларнинг сурқабиласидан бўлган Шершоҳ Сурий билан икки марта жангга кириб ундан енгилади. Чауса (1539 йил 27 июнь) ва Канавуж (1540 йил, 12 май) жангларида бутунлай мағлубиятга учраган Ҳумоюн мадад сўраб

Эрон ҳукмдори Шоҳ Исмоилнинг ўғли Таҳмасп ҳузурига қочиб боради¹⁰⁴. Шоҳ Таҳмаспга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида “Самойинур” совға қилинган. Отахон адаб Пиримқул Қодиров ушбу гавҳар ҳақида: “Шоҳ Таҳмасп “Самойинур” солинган қутичани очдию, қора баҳмал ичида минг хил жилва билан нурланаётган йирик олмосни кўриб кўзи қувончдан ялтираб кетди. Бундай йирик олмос ҳалигача шоҳнинг қўлига тушмаган эди... Таҳмасп “Кўҳинур” ва “Самойинур” олмосларини икки қўлида тутиб бир-бирига солиштирди. Кўҳинур хиёл улканроқ. Аммо гўзалликка келганда “Самойинур” нинг осмон гумбазини эслатувчи шакли ва унда беҳисоб юлдузлардай чақнаб турган олмос қирраларининг жилvasи Таҳмаспга яна бир бетакрор мўъжизадек туюлди» - каби фикрларни ёзади¹⁰⁵.

“Самойинур” ва бошқа бир қатор Эрон хазинасида сақланган Амир Темур жавоҳирларининг Санкт-Петербургдаги (Россия) Эрмитаж музейидан жой олиши эса кейинги тарихий жараёнлар билан боғлиқ.

1826 – 1828 йилларда Россия – Эрон ўртасида навбатдаги ҳарбий тўқнашувлар бўлади. 1829 йилнинг 10 февралида имзоланган икки ўртадаги “Туркманчой шартномаси” га кўра урушда енгилган Эрон давлати Россия ҳукумати олдида бир қатор мажбуриятларни ўз бўйнига олди. Шартнома шартларида 20 млн. Россия рубли миқдорида Эроннинг товон тўлаши билан боғлиқ маҳсус банд ҳам бор эди. Бироқ ўша пайтда Эрон хазинаси бўшаб қолганлиги туфайли

¹⁰⁴ Рўзиев Э. Ҳиндистонда Шершоҳ давлати. Т.:, Фан. 1992, Б.13-15

¹⁰⁵ Қодиров П. Авлодлар довони: тарихий роман. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. Б. 156; 66;174

Амир Темур жавоҳирлари товоң эвазига рус давлатининг Техрондаги ваколатхонасига топширилган.

Биз Соҳибқирон Амир Темурнинг дунё бўйлаб тарқалиб кетган сиртига ўнлаб ҳукмдорларнинг номлари битилган икки – учта жавоҳирлари ҳақида фикр юритдик. Ўтган тарихий даврда Амир Темурнинг исм шарифи “Чироғи олам”, “Кўҳинур”, “Самойинур”, “Шоҳ гавҳари” каби қимматбаҳо тошлардан ўчган бўлсада, кейинчалик бирин-кетин бошқа ҳукмдорларнинг номи қайд қилинишидан қатъий назар улар “Амир Темур ёқутлари” деб аталади. Улуғ бобокалонимизнинг 25 минг сонли жавоҳирлари ҳақида маълумотлар тўплаб, улар орқали мушоҳада юритиш ва тегишли илмий фикр–мулоҳазалар билдириш темуршуносликнинг истиқболдаги вазифаларидан бири бўлишига ишончимиз комил.

Мен Темур авлодидан Исломбек Худоёрхон ўғли билан танишганман. У билан бир неча йиллар давомида қадрдон дўстлик ришталарини боғлаб, кўп сухбатда бўлганман. У Самарқандда туғилган ва большевиклар таъқибидан қочиб кетишга мажбур бўлган. Афғонистон подшоси қабул қилиб, уни Франция ва Швейцарияга вакил этиб тайинлаган. У Парижда Афғонистон элчиҳонасини очиб, то нафақага чиққунга қадар шу ерда халқаро алоқалар билан шуғулланган. Нафақага чиққандан кейин Швейцарияга, Монтрё шахри яқинидаги шифохонага кўчиб ўтган ва 1981 йили вафот этган... Уни мусулмон жамоаси ва Афғонистон элчиси Акрам талаби билан хусусий қабристонга дағн этганлар.

Л.Керен-темуршунос француз олими. |Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Т.: Адолат. 1996. 69-бет.

XIV. Аҳмад Донишнинг “Наводирул вақое” асарида муаллимлик қасбига муносабат.

XIX аср Бухоро ижтимоий-сиёсий фикри ривожида ва маънавий-маърифий ҳаётида Аҳмад Донишнинг ўрни ва роли бекиёсдир. Аҳмад Дониш бизга қолдирган илмий-маданий мерос, унинг тарихий - илмий, ахлоқий-тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр юритиш учун эса унинг асарларини мукаммал ўрганиш керак. Ушбу мутаффакирнинг шоҳ асари “Наводирул вақое” инсоният маънавий хазинасига қўшилган улуғ бир тухфадир.

“Наводирул вақое”нинг “Болаларга ҳунар ва машғулотларнинг аҳамияти тўғрисида кўрсатма”¹⁰⁶ номли бўлимида олим инсониятга ўтмишдан мерос бўлиб келган ҳунар ва машғулотлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтади. У ҳар бир қасбнинг ўзига хос хусусиятлари, мураккаблиги ва қийинчиликлари, инсон турмушидаги эгаллаб турган ўрнини таърифлаб беради. Маълумки Аҳмад Дониш яшаган тарихий даврда Бухоро амирлиги ўзининг чуқур иқтисодий, сиёсий, маданий инқирозини ўз бошидан кечирди. Амирлик ҳукуматида фаолият олиб борган шайх ва уламолар, турли мансаб эгалари (қозилар, қишлоқ оқсоқоллари) алдов, порахўрлик, лаганбардорлик, иккиюзламачилик каби иллатлар ботқоғига ботиб қолган эдилар. Улар ҳақида фикр билдириб Аҳмад Дониш: “Мен кўряпманки шайхлар - ёлғончи, уламолар - порахўр. Менинг ўзим ҳақиқат йўлини топа олмай қолдим, ақлимга сиғдира олмайманки, ҳақиқат йўли ёпиқ, алдамчиликнинг катта йўли очиқ, бундай

¹⁰⁶Аҳмад Дониш. Главы из книги “Редкостные события.” В кн.: Путешествие из Бухары в Петербург. Сталинабад. 1960, Стр. 203-258

ҳолатнинг моҳиятини тушуна олмай қолдим” - деб ёзади¹⁰⁷ Юқори мартабали кишиларнинг барчаси муаллим деб аталувчи улуғ зотнинг қўлида таҳсил олаётгани, уларга масжидлар қошида амал қилиб турган бошланғич мактаб ўқитувчилари, сўнгра эса мадраса мударрислари таълим беражанлиги (изоҳ: мадрасалар икки босқичли бўлиб, ўрта ва олий таълим берувчи мадрасалардан иборат эди) маърифатпарварни ташвишга солади.

У ўз даври муаллимлари ҳақида фикр юритар экан: “Масалан, бизда бошланғич мактаб ўқитувчиси мударрисдан юқори туради. Чунки у ўқувчиларни ўқитишдан ҳеч қандай моддий манфаат кўзламайди. Мударрис эса ўз фаолиятини шахсий манфаатсиз тасаввур қилолмайди. Бошланғич мактаб ўқувчилари ўқишга мажбур қилинишларидан мақсад саводли бўлиш кераклигини тўғри тушунадилар” - деб ёзади¹⁰⁸. Муаллим фидой бўлса, болаларга илм беришдан мақсад уларни ҳаётга йўллаш эканлигини тушунса ва шунга интилса ундан маълумот олган болалар чиркин дунёдан холи бўлиб тўғри йўлдан кетишлари Аҳмад Доңиш томонидан ёзиб қолдирилган. Бу ўринда доңишманд ҳалоллик ва адолат мезонини сақлай олган ва ибрат намуна кўрсата олган муаллимгина ёшларнинг фойдали келажагини таъминлай олишига ургу беради.

Бухоро мадрасаларидаги кўпгина илму-толиблар учун ўқишидан мақсад чиновник бўлиш, мансаб пиллапояларидан муваффақият ва фахр билан кўтарилиш, келажакда бойлик тўплаш бўлиб қолганлиги асарда ўқинч ва афсус билан қайд қилинган. Мударриснинг фикри шу тақлидда бўлганидан кейин илму-толибдан нима кутиш мумкин?

¹⁰⁷ Ўша китоб. Б. 226

¹⁰⁸ Ўша китоб. Б. 228

Ҳолбуки, Аҳмад Дониш фикрича ҳар бир мадраса талабаси таълим жараёнида ўзидағи иймон ва эътиқодни мустаҳкамлаши, инсоният яратган илмларни қунт ва чидам билан эгаллаши, ҳаётда камтарин ва ахлоқли бўлиши кабилар мавжуд жамиятни соғломлаштириш тамойилидир. Ушбу қарашларнинг ҳозирги давр учун ҳам аҳамияти бекиёслиги сезилиб турибди ва айни пайтда маърифатпарвар ғояларининг умрбоқийлигидан далолат беради. “Ўз устида мутассил ишламаган, ахлоқи ва кундалик майший турмуши билан илмутолибларга салбий таъсир кўрсатган мударрис шогирдлар тайёрламайди, балки қароқчининг қўлига қилич тутқазади” - дейди Аҳмад Дониш¹⁰⁹.

Аҳмад Дониш муаллимлик касбини мاشаққатлари ҳақида ҳам фикр юритиб, кундуз куни муаллим ўз ўқувчилари билан машғулотда банд бўлади, кечқурун эса эртанги кунги машғулотларга тайёрланади, хуллас у умр бўйи ўқийди ва ўз касби билан мутассил, танаффусиз шуғулланади каби ҳақиқий фикрларни баён қилган¹¹⁰. Аҳмад Донишнинг шахсан ўзи мударрис касбини танламаганлигининг сабаблари ҳақида ҳам тўхталиб ўтган. “Мен бундай машғулотда (муаллимликда), касбда ушбу ва у дунёда ҳеч қандай фойдали жиҳатлар кўрмадим. Бу дунёда мударрисларга 300 динор миқдорида маош тўлашади. Мен ўз-ўзимга: “Шундай оз миқдордаги сумма ўсмири ва болаларнинг шовқин-суронига чидашга арзийдими?” - деб ҳисобладим. У дунёда эса мударрисга бу дунёда олган бир дирҳамига икки дирҳам тўлов беришига тўғри келади” - каби фикрларни ёзиб қолдирган.

¹⁰⁹Ўша китоб. Б. 227

¹¹⁰Ўша китоб. Б.224-225

Мамлакат истиқболини таъминлашда муҳим тоифа ва асосий бўғин бўлган мударрисларга амирликда ҳатто ўз оиласини таъминлашга ҳам етадиган маош тўланмаганлиги, мударрислар ўша 300 динорлик оз маошни ҳам ҳалол қилиб олмаётганлиги, улар бу гуноҳлари учун охиратда сўроқ қилиниши кабилар мутаффакир олим томонидан афсус ва ачиниш билан ёзилган.

Хуллас, Аҳмад Донишнинг “Наводирул вақое” асаридаги муаллимлик касби ва ушбу машғулот эгаларига тегишли бўлган тарихий фикр ва мулоҳазалар бугунги кундаги педагог – мураббийларни ўз соҳаларига нисбатан жиддий, ҳалол ва вижданан муносабатда бўлишга даъват этади.

Аҳмад Дониш 1856, 1869, 1873-1874 йилларда рус халқи ҳаёти, маданияти, давлатнинг идора усули, тартиб-қоидалари билан танишиш шарафига эришди. Биринчи ташрифидаёқ А.Донишда Бухоро аморатидаги идора усулинин ислоҳ қилиш гояси туғилади ва бу хусусда бир рисола ёзиб амирга тақдим этади. Иккинчи-учинчи сафарлар жараёнида Донишнинг ўз даври учун бир қадам олға бўлган бундай қарашлари тобора чуқурлашади. Масаланинг айни жиҳатини инобатга олган ва Аҳмад Дониш хусусида шарқшуносликда биринчилардан бўлиб икки йирик тадқиқот ёзган таниқли ва жаҳоний шуҳрат соҳиби бўлган Е.Э.Бертельс уни “Ўрта Осиё жадидларининг отаси” деб атаган эди.

Проф. Воҳидов Р.Ж. Наводирул-вақое-Аҳмад Донишнинг умр китоби. |Қомусий мутафаккир. Бухоро-2007. 29-бет.

ХУЛОСА

Мустақил лавҳалардан иборат ушбу китобимизга сўнгги нуқтани қўяр эканмиз Ватанимиз тарихи йирик бир маънавий хазина, битмас – туганмас уммон эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

“Ўзбек диаспораси” XX асрнинг биринчи ярмидаёқ вужудга келиб, бутун XX аср ва XXI аср бошларида миллатимизга мансуб халқ вакиллари дунёning ўнлаб мамлакатлари бўйлаб тарқалдилар.

Бевосита Ўзбекистондан чет элга бориб қолган хорижлик ўзбекларнинг қўпчиликлари бугун ҳаёт эмаслар, улар ўз умрларини яшаб ёруғ дунё билан видолашганлар. Муҳожир ўзбеклар ўзларининг охирги нафасларигача Ватан ёди ва соғинчи билан яшадилар, аксарият Ватандошларнинг ўлим тўшагида тилидан чиқсан охирги сўз ҳам Ватанинг муборак номи бўлди. Улар фарзандларида ўз юртларига нисбатан ғойибона муҳаббат, илиқ муносабатни мерос қилиб қолдирдилар.

Муҳожир ўзбекларнинг турли чет мамлакатларда миллий уюшмалари ва матбуот органлари вужудга келди. Хориждаги ўзбек матбуоти ва миллий жамиятларнинг айримлари тузилди, фаолият юритди, бир қаторлари ўз олдидаги вазифаларни бажарди ва тарқалиб кетди. Талайгина уюшма ва матбуот органлари узоқ вақт яшовчан бўлиб чиқди. Нима бўлганда ҳам ушбу матбуот органлари, уюшма ва жамиятлар ўзбекларга тегишли эди. Улар фаолиятини ўрганиш, уни таҳлил қилиш тарихимизни мукаммал ўрганишга, янги материаллар билан бойитишига ҳеч қандай шубҳа бўлмаса керак.

Ўзбекистонга депортация (бадарға) қилинган халқлар тарихи, мустақиллик даврида Ўзбекистон аҳолисининг этник ва миллий

таркибидаги ўзгаришлар жараёни ҳам бугунги кунда ҳам тадқиқотталаб бўлиб турибди.

Ўзбек мутафаккирларининг Ватан тарихи ва ватанпарварлик билан йўғрилган асарлари, улар босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлларини ўрганиш ҳам истиқлол асосларини мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан фойда беради деб ўйлаймиз.

Хуллас, тарихимизда узоқ ва яқин ўтмишда кечган турфа жараёнларни ақл – идрок, фаҳм – фаросат ва синчковлик билан ўрганишга арзигулик тадқиқот обьектлари жуда кўплигини сира унумаслигимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998 йил.
2. Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганинни бўри ер. Т., “Адолат”, 1997 йил.
3. Алимова Д.А. Голованов А.А. Ўзбекистон совет мустабид тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазиик оқибатлари. Т., “Ўзбекистон”, 2000 йил.
4. Ahat Andijon Ceditismden Bogimsizligiga Turkiston Mucadelese Birinchi Baski, Istambul – 2003
5. Наимов Н. Амирнинг хазинаси (тарихий қисса) “Бухоро”, 1995 йил.
6. Наимов Н. Бухоро жадидлари (тарихий очерклар, хужжатли қисса) Т, “Фан”, 2000 йил.
7. Наимов Н. Фитрат фожиаси. “Бухоро”, 2006 йил.
8. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т, “Маънавият”, 2002 йил.
9. Раҳмонов К. Бухоро Республикасининг матбуот органи. /Жамият ва бошқарув. 2004. №2. Б. 44-46.
10. Сайд Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т., “Фан”, 1991 йил.
11. Сайд Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. “Бухоро”, 2003 йил.
12. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар... Т., “Фан”, 1991 йил.

13. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ватанжудоликнинг мунгли тарихи. “Бухоро”, 2005 йил.
14. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. “Бухоро”, 2005 йил.
15. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ўзбекистон – бизга ҳам Ватан... “Бухоро”, 2006 йил.
16. Ҳайитов Ш. Усмонхўжа Пўлатхўжаев – миллий озодлик курашчиси. “Бухоро”, 2007 йил.
17. “Бухоро ахбори”, 1920 – 1923 йиллар.
18. “Озод Бухоро”, 1923 – 1924 йиллар.
19. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзРМДА) 22-фонд, 2661ф, 2822 –ф, 1618-ф, 94-ф, 47-ф, 48-ф, 59-ф, 86-ф, 87-ф.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-6
I. Хориждаги ўзбекларнинг миллий матбуоти ва миллий уюшмалари тарихидан (1920-1990йй).....	6-27
II. Бухороликларнинг хориждаги ташкилот ва уюшмалари.....	28-34
III. Бухоро матбуотида муҳожирлик тарихига оид маълумотлар (“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари мисолида).....	35-39
IV. Самарқанд соғинчи билан яшаган хориждаги самарқандликлар.....	40-44
V. Хориждаги ўзбек маъданшунос олимни.....	45-51
VI. Хориждаги ватандошлар муруввати.....	52-56
VII. Амир Саид Олимхоннинг муҳожирликдаги қисмати тадқиқотчилар талқинида.....	57-62
VIII. Аҳмад Дониш ва Ватан тақдири.....	63-66
IX. Корейслар Ўзбекистонга қандай келиб қолган?.....	67-73
X. Туркистон ўлкасидаги лўли (циган) ларнинг сони ва машғулотлари хусусида (XIX аср охири – XX аср бошлари).....	74-79
XI. VIII – XII асрларда Самарқанднинг халқаро савдо – сотиқдаги иштироки	80-83
XII . Бухоролик савдогарлар.....	84-87
XIII. Амир Темур жавоҳирлари - ўтмиш даракчилари.....	88-93
XIV. Аҳмад Донишнинг “Наводирул вақое” асарида муаллимлик касбига муносабат.....	94-97
Хулоса.....	98-99
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	100-101